



ЙИЛЛАР ЭМАС, ЯХШИ АМАЛЛАР МУҲИМ

Олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлик кўриб юрган кезларим. Ҳар куни эрта туриб, ётоқхона ҳовлисидаги ўриндиқларда китоб ўқиймиз. Баъзан жой талашиб ҳам қоламиз. Бир куни фаррош хола супургисини қўлтиқлаб, тортишаётганимиз устига келиб қолди. Унинг: “Намунча сиқиласанлар, Худо хоҳласа, бу имтиҳонлардан ҳамманг яхши ўтиб оласанлар. Катта имтиҳонни унутмаларинг...” дегани ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Чиндан ҳам, имтиҳонлардан йиқилсак, қайта топшириш имкони бор. Бунинг учун вақтнинг қадрига етиш зарур.

Бизга берилган тириклик неъматининг қадрига етাপмизми? Донолар умр мазмуни, қадрини вақт билан эмас, яхши амаллар билан ўлчашади. Қанча эмас, қандай амаллар қилиш муҳим. Таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов: «Ҳар гал куёш ботаётган маҳалда инсон “Умримнинг кўпи кетиб, ози қолди”, дея эслаб туриши керак» деб ёзган эди. Ҳақиқатдан ҳам умримиз куёшнинг эрталаб уфқда кўришиб, кўтарилиб, шомда яна ботгуничалик фурсатга ўхшайди. Топганларимизга ҳамиша шукр қилишимиз лозим. Бизга берилган умрни қандай ўтказганимиздан, вақтимизни қандай ишларга сарфлаганимиздан сўраламиз. Огоҳ бўлишимиз керак.

Устозларимиздан бири чет эл сафари таассуротларини гапириб: “Мен у ерда одамларнинг кўчадаги бекатларда, автоуловларда, метрода ҳам доимо китоб ўқишларига ҳавас қилдим. Уларнинг вақтдан унумли фойдаланишларини кўриб, мен ҳам гайратга тўлганман...” деганларини кўп эслайман.

Шу ўринда тан олиб, айтиш керак, чет элдан миллий анъаналаримизга, ҳатто шарм-ҳаёга ҳам тўғри келмайдиган сўнгги урфдаги кийиниш, рақс каби енгил-елпи нарсаларни ўзлаштириш ҳоллари учрайди.. Аммо вақтни тежашни ўрганиш борасида негадир лоқайд бўлиб қоламиз. Худа-беҳуда нарсаларга неча кунлаб умримизни, мисқоллаб йиққан давлатимизни ўйламай-нетмай сарфлайверамиз, аммо яхшилик ва меҳр улашишда “қўлимиз калта”лик қилиб қолади.

Гоҳида бойлик қўлдан кетса, ҳасрат чекамиз, қийматини асло ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган вақтимизни бой бераётганимизни ўйламаймиз. Яхши амалларимиз камлигидан зарра армонимиз йўқ, бироқ бошимизда ғовлаб кетган орзуларимиз ушалмаганидан асабларимиз таранглашиб, беҳаловат бўламиз.

Ҳолбуки, вақтнинг ҳар бир сонияси ғанимат. Алҳамдулиллаҳ, ҳали тирикмиз, юрагимиз уриб турибди. Демак, ҳозироқ нимадир яхши иш қилишга имконимиз бор. Бугунимиз кечага айланмай туриб, дилимизни равшан этадиган хайрли ишларга қўл уриш қанчалар муҳим. Вазифаларимизни эртага қўймай, бугун адо этайлик. Ахир ўзингиз ўйланг, меъмор ўзи жило берган иморатдан ёки боғбон ўзи қадаган чинордан неча баробар кам умр кўради-я... Шоир таъбири билан айтсак, бебаҳо вақтни ўлчаш учун олтиндан тарози, олмосдан тош керак. Яхши амалларимиз охират сафаримизда бизга шерик, Аллоҳнинг фазли билан саодат топишимизга сабаб бўлади. Дунё ҳаётида эса Алишер Навоий ҳазратлари ёзганларидек:

*“Бу гулшан ичра йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур яхшилик била чиқса от”.*

Абдувоҳид ЎРОЗОВ



ЧИН ТАВБА- ТАЗАРРУНИНГ ФАЗИЛАТИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا تَوْبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَّصُوحًا
عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَن يُكَفِّرَ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيُدْخِلَكُم
جَنَّاتٍ تَجْرِي مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ يَوْمَ لَا يُخْزِي اللَّهُ
النَّبِيَّ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا مَعَهُ نُورُهُمْ يَسْعَىٰ بَيْنَ
أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَانِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا أَتِمِّمْ لَنَا نُورَنَا
وَآغْفِرْ لَنَا إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٨﴾

«Мўминлар! Аллоҳга чин юракдан тавба (тазарру) қилинглар, Парвардигорингиз сизларнинг гуноҳларингни кечиради, пайғамбарнинг ва у билан бирга имон келтирганларнинг шаънларини баланд қиладиган кунда, сизларни остидан дарёлар оқувчи жаннатларга киритади. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юради. «Парвардигоро, нурларимизни тугал қил, бизларни кечир, Сен ҳар нарсага қодирсан», дейишади» (Таҳрим, 8).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

«Пушаймон бўлиш — тавбадир» (Имом Абу Довуд).

«Ҳар бир Одам боласи гуноҳ қилувчидир. Гуноҳ қилувчиларнинг яхшиси тавба қилувчиларидир» (Имом Доримий).

«Гуноҳидан тавба қилган киши гуноҳи йўқ киши кабидир» (Имом Табароний).

Кишининг гуноҳлардан қайтиши, ёмон ишларни ташлаб, яхши амаллар қилишга ўтиши тавбадир. Амалларида гуноҳдан очик ва яширин асар қолмасагина, кишининг тавбаси чин тавба бўлади. Уламоларимиз, оят ва ҳадисларда зикр этилган тавбадан мурод ана шундай тавбадир, дейишган.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Нуридин ҲОШИМОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулҳамид ТУРСУН
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Исомиддин ОЛИМОВ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад МУҲАММАД

Муқова

«Voriz Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадиий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Саҳифаловчи

Юсуф САБУРОВ

Маттни

Раҳима КАРИМЖОН қизи билан Зебунисо
терди.

Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;
Тел: 240-45-62, тел.факс: 227-34-30.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2009 йил 2 октябрда рухсат берилди.
Босмахонага 2009 йил 5 октябрда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 27900. 692-сон буюртма. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан
фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос
ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганда исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Яхшиликка чақириш	
Абдувоҳид ЎРОЗОВ	
Йиллар эмас, яхши амаллар муҳим	1
Таянч нуқта	
Чин тавбанинг фазилати	2
Мазҳабимизни ўрганамиз	
Муҳаммад Шариф ЖУМАН	
Юксак фазлу камол эгаси	5
Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили	
Нурулло ОТАХОНОВ	
Сирдарё қишлоқларида	6
Абдул ЖАЛИЛ ХЎЖАМ	
Шукр қилиш мусулмонга ярашади	8
ЎМИ ҳаёти	
Ҳамкорликда ишлашга келишиб олишди ..	10
Мерос	
Алишер НАВОЙЙ	
Комил инсоннинг назари	11
Ибратли ҳақоялар	
Муна, Сумайро АБДУЛЛОҲ ҚИЗЛАРИ	
Ёмон сўз асорат қолдиради	15
Олисларга саяҳат	
Аҳмад ТУРСУН	
Қуба республикаси	16
ЎМИ ҳаёти	
Жон куйдириб ишлаш керак	19
Фаол мударрисларга мукофотлар	19
Адабиёт	
Йоҳан ВОЛФҲАНГ ҲЁТЕ	
Боқий дўстлик ҳиммати	23
Аёллар саҳифаси	
Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи	
Қизли бўлдингиз... ўксинасизми?	24
Сарвинисо КАМОЛОВА	
Номус қалъаси	25
Фойдали маслаҳатлар	
Зайтун мойи	25
Шеърят	
Толибжон РЎЗИБОЕВ	
Очиқ аҳли барча ҳайронинг сенинг	26
Яхшиликка чақириш	
Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФҲОН	
Тоат-ибодатларимиз мағзи	28
Тарих	
Фахриддин МУҲАММАДИЕВ	
Минг йиллик қўлёзмалар	31

Муқовадаги суратларни Абдул Фани Жума (1-,4-саҳифалар), Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон (2-саҳифа), Абдул Жалил Хўжам (3-саҳифа) олишган.

Фикҳ

ҚУРБОНЛИККА
ТЕГИШЛИ МАСАЛАЛАР

4

Қурбонлик териси ва гўшти сотилмайди, шунингдек, қассоб ҳақи учун ҳам берилмайди. Қурбонлик учун сотиб олинган қўй юнгини олиш макруҳдир. Агар олган бўлса, уни садақа қилиши керак.

Огоҳлик

Даврон МАҚСУДОВ

МИССИОНЕРЛАР
ТУЗОФИДАН САҚЛАНИНГ

Жаҳон динларидан саналган насронийлик (христинлик)да турли секталар борлиги ушбу дин кенг тарқалган мамлакатларда катта муаммога айланган. Маълумотларга кўра, ўтган аср етмишинчи йилларида ривожланган мамлакатларда мазкур диннинг 1500 дан 5000 гача турли йўналишлари бўлган. Лекин аҳоли уларни қабул қилмагани учун кўпи ҳозир йўқолиб кетган.

12

Саҳобалар ҳаёти

Абдураҳмон РАЪФАТ ПОШО

СУМОМА ИБН УСОЛ

...Ясрибга кўчишнинг олтинчи йили Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ динини ёйиш учун араб ва ажам ҳукмдорларидан саккиз нафарига мактуб ёздилар ва уларни Исломга чорлаб, чопар юбордилар. Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) мактублари етиб борганлардан бири Сумома ибн Усол эди.

18

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Ўн уч ёшли профессор

Эндигина 13 ёшга тўлган нанотехнология профессори Ҳаёт Синдий ихтирочилиқда юксак натижаларга эришмоқда. Гарвард университетининг машҳур “Whitesides” тадқиқот гуруҳида ишлаган Ҳаёт Синдий саратонни энг биринчи босқичидаёқ ташхислаш, турли касалликларни даволашда энг зарур дори-дармонларни аниқлаш имконини берувчи ускунани ихтиро қилди.

21



ҚУРБОНЛИККА ТЕГИШЛИ МАСАЛАЛАР

Алҳамдулиллаҳ, рамазон ҳайитини шод-хуррам нишонладик. Ҳадемай Қурбон ҳайити ҳам келиб қолади. Шу боис ушбу сонда қодир бўлган мусулмонлар зиммасида вожиб амал — қурбонлик ибодатига тегишли ҳукмларни баён этмоқдамиз.

Икки юз дирҳам¹ кумушга тенг пулга ёки эҳтиёжидан ортиқча баҳоси ана шунча мулкка (зулҳижжа ойининг ўн иккинчи куни кўёш ботишидан олдин) эга бўлган муқим мусулмонга қурбонлик вожиб бўлади.

Беш ёшли туяни, икки ёшли қорамолни, олти ойлик қўйни ва ўн икки ойлик эчкини қурбонлик қилса бўлади. Мазкур ҳайвонларнинг кўрсатилган ёшга тўлмаганлари қурбонликка ярамайди.

Туя ёки қорамолни бир киши ҳам ёки етти киши бирлашиб ҳам қурбонлик қилиши мумкин. Агар улардан бирининг нияти фақат гўшт олиш бўлса, у (туя, қорамол) қурбонлик бўлмайди. Бир молни етти киши қурбонлик қилганида унинг гўштини тенг бўлиб олишлари керак.

Оилада эр ўзи, аёли ва вояга етган болалари учун бир қорамолни қурбонлик қилганида, унинг гўштини бўлиш шарт эмас.

Зиммасига қурбонлик вожиб бўлган киши қурбонлик қилмаса, унинг баҳосини садақа қилиши вожиб.

Муайян молни қурбонлик қилишни назр қилиб, вақтида

сўймаган киши уни тирик ҳолатда садақа қилиши керак. Шунингдек, зиммасига қурбонлик вожиб бўлмаган киши қурбонлик учун сотиб олган молни (қўйни) қурбонлик кунлари сўймаса ҳам, уни тирик ҳолатда садақа қилиши лозим.

Бизнинг ҳанафий мазҳабимизда қурбонлик зулҳижжа ойи-нинг ўнинчи куни ҳайит намози ўқилганидан сўнг то ўн иккинчи куни кўёш ботгунигача сўйилади.

Қурбонликни сўйишда уни Аллоҳ таолога ибодат учун сўяётганини ният қилиши лозим.

Қурбонлик моли ташқи нуқсонлардан холи бўлиши мустаҳабдир.

Ҳанафий мазҳабимизда кўзи кўрмас, қулоғи ва думининг учдан бир қисмидан кўпи кесик ҳайвонларни қурбонлик қилиб бўлмайди.

Зиммасига қурбонлик вожиб бўлган киши молни сотиб олаётганида нуқсонли бўлмаса, сўнг айбли бўлиб қолса, унинг ўрнига бошқасини сотиб олиши лозим.

Киши сўйишни билса, қурбонлигини ўзи сўйиши муста-

ҳаб, агар билмаса, бошқага буюради.

Қурбонлик териси ва гўшти сотилмайди, шунингдек, қассоб ҳақи учун ҳам берилмайди.

Қурбонлик учун сотиб олинган қўй юнгини олиш макруҳдир. Агар олган бўлса, уни садақа қилиши керак.

Бизнинг ҳанафий мазҳабимизда сўйилган қурбонлик гўштининг учдан бирини садақа қилиш, учдан бирини пишириб эҳсон қилиш, учдан бирини кейин ейишга олиб қўйиш мустаҳаб. Агар фарзандлари кўп бўлса, ҳаммасини оиласига қолдириши мустаҳабдир.

Қурбонлик қилинган молнинг териси садақа қилинади ё рўзғорда ишлатиладиган кийгиз, палос каби нарсаларга алмаштирилади. Сотилса, пули садақа қилиниши керак.

Қурбонлик мусофирга вожиб эмас. Нисоб миқдоридagi мулкка эга киши сафарга чиқса, ундан қурбонлик соқит бўлади. Қурбонлик учун сотиб олинган ҳайвонни сотиб юбориши жоиз.

Назр қилинган қурбонлик гўшtidан назр қилувчи (ҳатто камбағал бўлса-да) ва бой кишилар ейиши мумкин эмас. Агар еса, еган миқдорининг қийматини садақа қилиши лозим.

Зиммасидаги вожиб қурбонликни (“Аллоҳ учун қурбонлик қилишни назр қилдим” деб) назр қилган бой иккита ҳайвонни қурбонлик қилиши вожиб бўлади: бири назр учун, иккинчиси зиммасидаги вожибнинг адоси учун.

Уста ОЛИМ



¹Икки юз дирҳам - 655,20 г



Ислом оламида кенг тарқалган ҳанафий мазҳабининг асосчиси, “Имоми Аъзам Абу Ҳанифа” куняси билан машҳур бўлган мазҳаббошимизнинг исмлари Нўъмон ибн Собитдир (Аллоҳ таоло у зотни раҳматига мушарраф этсин). У зот ҳижрий 80 йили (699 мил.) Куфада туғилганлар. Ҳижрий 150 йили (767 мил.) Бағдодда вафот этганлар.

Мазҳаббошимиз Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) юксак фазлу камол эгаси бўлганлар. Аҳли сунна вал жамоанинг бошқа мазҳаббошилари ҳам Имоми Аъзамни ўзларига устоз деб билганлар.

Буюк имомнинг ҳаёт йўллари, сермахсул фаолиятлари, ёзган асарлари ҳамма замон ва маконларда олимлар кенг тадқиқ этишиб, кўплаб китоблар, рисоалар ёзишган.

Шундай олимлардан бири Муҳаммад Муҳаммад Абу Заҳв бир китобида ёзишича: “Бутун мусулмонлар Имом Абу Ҳанифанинг мужтаҳидлигини эътироф этган. Мужтаҳидликнинг шартларидан бири эса Куръони каримни ва Пайғамбаримиз (солаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларини, уларнинг маъноларини тўла ва чуқур билишдир”.

Имоми Аъзам ривоят қилган ҳадислардан танлаб, бир муснад қилган Муҳаммад Маҳмуд Хоразмий китоб муқаддимасида бундай ёзади: “Шомда Имоми Аъзамнинг мақомларини билмаган жоҳилларнинг у зотга нисбатан “оз ҳадис билади” деган сўзларини эшитдим. Бу гап менинг диний ҳамиятимни кўзгади. Имоми Аъзам ривоят қилган ҳадисларни уламолар ўн беш муснадга жамлашган. Мен улардан исноди такрорланмаган ҳадисларни териб, фикҳ бобларига ажратиб, бир муснад қилдим”¹.

“Сиз динда кўп қиёс қилмоқдасиз”, деган кишиларга Имоми Аъзам жума куни Куфа масжидида мазҳабининг моҳиятини тушунтириб: “Мен Аллоҳ таолонинг Китобига, Расулulloҳнинг (солаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига, улардан

ҳадислардан оламан. Агар Куръони карим ва Расулulloҳ (солаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларида тополмасам, истаганим бир саҳобийдан оламан, уларнинг сўзлари турганида бошқанинг сўзини олмайман. Агар иш Иброҳим, Шаббий, Ҳасан, Ибн Сирин, Саъид ибн Мусаййаб каби ижтиҳод қилувчиларга тақалса, ўзим ҳам улар каби ижтиҳод қиламан”².

ЮКСАК ФАЗЛУ КАМОЛ ЭГАСИ



кейин эса саҳобаларнинг айтганларига амал қиламан, агар масала жавобини уларда тополмасам, қиёсга ўтаман”, деганлар.

Шунда жамоат Имомнинг кўлини ўпиб: “Сиз олимлар сарварисиз, сиз ҳақингиздаги олдинги ёмон гап-сўзларимиз учун бизни кечиринг”, дейишди. Имоми Аъзам: “Аллоҳ таоло бизни ва сизни кечирсин!” дедилар” (*“Уқудбул жавоҳирул мунифа”, 1–5-бетлар*).

Абу Ҳанифа “раъйни ҳадисдан устун қўяди” деган фикр ҳам асоссиздир. Абу Ҳанифа масала чиқаришда ўзлари тутган йўлни бундай баён этганлар: “Мен масалани, тополсам, Куръони каримдан оламан. Агар унда тополмасам, Расулulloҳнинг (солаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларидан ва саҳиҳ

Абу Ҳанифа даврларида зиндик ва мубтадиъларнинг ҳадис тўқиши кўпайган эди. Шунинг учун мазҳаббошимиз ҳадисларни қабул қилиш борасида қаттиқ шартлар қўйганлар. Бу ҳол Абу Ҳанифанинг динимиз муҳофазасида ҳарис бўлганларидандир.

Барча мужтаҳидлар ўзларининг шартларига тўғри келмаган, насх бўлган, саҳиҳ далилга зид ҳадисларни қабул қилишмаган. Имом Молик (раҳматуллоҳи алайҳ) етмиш масалани бу борада ҳадислар шартларига тўғри келмагани учун ўз раъйлари билан чиқарганлар³.

Мустақиллик туфайли мазҳаббошимиз Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг “Ал-фикҳ ал-акбар”, “Ал-олим вал мутааллим”, “Асарлар”, “Муснад” каби асарлари ўзбек тилига таржима қилинди, чоп этилди. Бу асарларни чуқур мутолаа этиш, ўрганиш, ёшларни ақида ва амалларда тўғри йўлдан адашмасликка чақириб долзарб вазифамиздир.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

¹ “Ал-ҳадис вал-муҳаддисун”, Байрут, 1984.

² Ҳазарий. “Тарихут ташрих”.

³ Ибн Абдулбар. “Жамъу баёнил илм”.



Ўтаётган бу йилимизнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон этилгани қишлоқларимиз ҳартомонлама юксалиб, ҳаёти фаровонлашиб боришига хизмат қиляпти. “Ҳидоят” журнали ходимлари ҳам йил бошидан бери мамлакатимизнинг турли бурчакларига ижодий сафарларга чиқиб, қишлоқларимиз ҳаётини, масжидларимиз аҳволини, намозхонлар кайфиятини куриб, ўрганиб қайтишди. Эътибор берган бўлсангиз, сафар таассуротлари журнал саҳифаларида сонма-сон бериб бориляпти.

Вилоятлардаги учрашувлар фойдали бўляпти деб ўйлаймиз. Янги-янги мавзулар очилляпти, янги ижодий ёндашувларга туртки беряпти. Қолаверса, ўқувчиларимизнинг журнал ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ҳам билиб боряпмиз. Бу учрашувлар келгусида журналнинг мавзу доираси кенгайишига, савиясининг янада ўсишига сабаб бўлса, ажаб эмас.

Навбатдаги хизмат сафаримиз бир-бирига қўшни – Сирдарё билан Жиззах вилоятларига бўлди.

СИРДАРЁ ҚИШЛОҚЛАРИДА

Хизмат сафари билан чиққан одам энг олдин вилоят марказига бориб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси (ЎМИ)нинг вилоят вакилига учраб, кейин туманларга чиқиши мантиқан тўғри бўлади. Бу қонидани бир оз бузишимизга тўғри келди. Ҳамроҳим – ЎМИ номидан Сирдарё вилояти бўйича ҳудудий назоратчи, “Ислом нури” газетаси бош муҳаррири Исомиддин Алимов билан бирга йўл устидаги Сирдарё тумани масжидларини четлаб ўтиб кетгимиз келмади.

Туманда тўртта масжид бор экан. Биринчи бўлиб

“Янги ҳаёт” жомеига йўл солдик. Имом Аминжон Исмоилов айтишича, масжид 1956 йили очилган. У пайтлар битта таҳоратхона қуриш учун ҳам бир неча ой ҳужжат тайёрлаб, бир неча марта қатнаб, Масковнинг руҳсати тегсагина, кейин иш бошланган экан...

Биноси эскилиги билиниб турибди, лекин хонақоҳ ҳам, ҳовли ҳам саранжом-саришта. Аминжон ишига пухта, ғайратли йигит кўринади. Туман матбуоти билан ҳам алоқаси яхши шекилли, биз масжиддалик пайтимизда туман газетаси муҳаррири айланиб келиб қолди. У киши ҳам имом ҳақида илиқ гаплар айтди.

– Яқинда масжидимизга муфтий ҳазратлари келиб, бизни жуда шарафлантирдилар. Пешин намозини ўқиб бердилар, қавмимиз билан суҳбатлашдилар. Одамлар жуда хурсанд бўлиб қолишди, – деди Аминжон ўзига хос шавқ билан. Сўнгра туманда кейинги бир йил

ичида қилинган ишлар ҳақида гапира бошлади:

– Масжидимизнинг аҳоли билан алоқаси яхши. Баъзи маҳаллалардан камтаъминланган оилаларга гилам-палослар совға қилдик. Ўтган йили олти нафар етим бола номига омонат дафтарчаси очиб, ҳар бирига элик минг сўмдан ёрдам пули киритдик... Коллежларда, мактабларда долзарб мавзуларда мунтазам учрашувлар қилиб тураимиз...

Хуллас, масжиднинг маҳалла ҳаётида тутган ўрни ёмон эмас экан. Имом билан хайрлашдик.

Бахт шаҳарчасидаги жомеъ масжиднинг ҳам номи “Бахт” экан. 1943 йили қурилган, 1953 йилдан бери масжид сифатида ишлаб келяпти. Имом-хатиб Нурмуҳаммад Нарзуллаев бошчилигида яқинда замонавий таҳоратхона қурилибди, қишга-ёзга мос барча шароитлар яратилган. Умуман, бир нарсага урғу бериш керак: кейинги пайтларда таҳоратхоналарга катта эътибор





бериляпти, масжидларнинг маданий ҳолати яхшиланяпти.

Туманда олиб борилаётган ишлардан кўнглимиз тўлиб, Гулистон шаҳрига қараб юрдик.

Вилоят марказида қилинаётган ишлар бутун вилоятда қилинаётган ишларга бир кўзгу деса бўлади. Шаҳарда бош масжид тубдан қайта қурилаётгани ҳақида олдиндан билардик, аммо бунча катта ишлар қилинаётганини кутмаган эдик. Муҳташам бинонинг гавдаси тўла битган, энди ички ишлар қолган, биз кириб борганимизда хонақоҳ ичида оёқ тагига иссиқлик тармоқлари ўтказиляпти экан. Вилоят бош имом-хатиби Мўминжон ҳожи Усмонов бизларни:

– Ҳашар кийимларини ҳам опкелганмисизлар? — дея қаршилади.

Пешин вақти кирай деб қолган эди. Пешин намозини жамоат билан ўқидик. Сўнг вакиллик муҳтасиби Ботирхон ҳожи ака билан бирга Оқолтин туманига йўл олдик.

С а р д о б а кўрғони. “Ҳазрати Али” жомеъ масжиди. Худди



бизнинг келишимиздан хабардордек, ҳовли супуриб сидирилган, сув сепилган; салқин қилиб қўйилибди. Салдан кейин туман бош имом-хатиби Мансуржон Исмоилов ҳам келди. Масжид тарихи билан қизиқдик.

– Масжидимиз 1991 йили қурилиб, 1992 йили ишга тушган, — деб ҳикоя қила бошлади Мансуржон ҳожи. — Шу йилги баҳорда уч ой ишлаб, катта таъмирдан чиқардик. Энди боғни обод қилишга киришамиз. Кўриб турибсизлар, бу ишни чўл шароитида бирданига эплаб олиш ҳам осонмас. Янги таҳоратхона бошлаб қўйганмиз. Яқин-орада битади, иншааллоҳ.

Туман ижтимоий ҳаётида масжид ҳам фаол иштирок этапти экан. Имом саноат, бизнес коллежларида талабалар билан учрашиб, гиёҳвандликка қарши, турли зарарли оқимлар ва миссионерларнинг хатарлари ҳақида, чегарадан қонунга терс ҳолда мол ўтказишларнинг оқибатлари тўғрисида суҳбатлар қилган. Камтаъминланган оилаларга бултур жами 250 минг сўм моддий ёрдам ва 8 та гилам совға қилинган.

– Туманимизда тўртта масжид бор, жума мавъизалари тезиси вақтида келиб турибди, — деди имом.

Оқолтиндан чиқиб, Гулистон тумани “Исломобод” жомеига бордик. Бу ерда боғ бирмунча обод қилинибди.



Масжид ҳам баланд қилиб, шинам қурилган экан. Ичкарилар тоза. Туман бош имом-хатиби Ибодулло Азизуллоев айтишича, туманда тўққизта жомеъ бор экан. Бу йилги мустақиллик байрами муносабати билан камтаъминланган оилалардан олти хонадонга пул ёрдам кўрсатилибди, гилам ва палослар берилибди...

Албатта, вилоят қишлоқларининг ҳаммасига бориш кўп вақтни талаб қилади. Лекин кўрганларимизнинг ўзи баъзи хулосалар чиқаришимизга етарли эди. Хонақоҳлар тоза, шинам — гап йўқ. Аммо масжидларнинг ҳовлиларига янада кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Дарахтлар тагини ёввойи ўтлардан тозалаб, гулзорларни яна ҳам кўпайтириб, сўрилардан осилиб қолган ток новдаларини чиройли тараб, чиройли кузаб қўйилса, меҳмонларнинг кўзига кўркем кўринадиди.

Нурулло ОТАХОНОВ



ШУКР ҚИЛИШ МУСУЛМОНГА ЯРАШАДИ

Жиззах вилоятига сафаримиз Бахмал туманидан бошланди. Туман боши имом-хатиби Раҳмонкул Маматқулов йўлакай худудида 34 та жомеъ борлигини, кейинги икки йил ичида кўпи таъмирдан чиқарилганини айтди. Тошкент – Термиз йўлидан Самарқанд вилоятига етай деб қолганимизда катта кўприк остидан чапга бурилиб, жануб сари бир оз юрганимиздан сўнг Музбел қишлоғи кўзга ташланди. Узоқдан қараган одамга бу қишлоқ худди қалин теракзорга ўхшаб кўринар экан. Раҳмонкул домла бу атрофдаги қишлоқларда терак кўп экилишини, аҳоли четдан умуман ёғоч сотиб олмаслигини, аксинча,

Шукруллохон Зикриёев энди навбат таҳоратхонани яхшилашга келганини айтди.



Жума намозини адо этгач, Ўснат шаҳарчасига йўл олдик. “Қалтасой” маҳалласидаги “Ўснат ота” жомеъ масжиди икки ярим асрдан кўпроқ тарихга эга. Масжид 1750 йили қурилган. Имом Сафарали Муносов айтишича, ўтган йили хонақоҳга гишт ётқизилди, гилам тўшалди, таҳоратхона таъмирланди.

Ўснатда кўрганимиз “Жаббор ўғли Жумағул” жомеъ масжидининг ҳам салкам бир ярим асрлик тарихи бор. Жоменинг ҳозирги биноси 1990 йили эски масжид ўрнида тикланган.

Ўснатдан чиқиб, тоғ ён-бағридаги йўлдан анча юрдик, қирлардан ошдик. Сўлим Новқа

қишлоғи, “Новқа ота” зиёратгоҳи, зилол, шифобахш сувли чашма, салқин хиёбон, дов-дарахтлар кўнглимизни яйратди. Куръони карим оятларидан тиловат қилиб, савобини Новқа ота ҳақларига бахш этдик. “Новқа ота” жомеъ масжиди ҳам тарихий бино, каттагина гумбази 1909 йили қурилган экан. Пастқамроқда, чашма суви қўллаб турадиган жойга яқин бўлганиданми, хонақоҳ, ҳатто деворлар ҳам нам тортаганга ўхшаб кўринди.

Бахмалсой б ў й и д а г и йўлдан Илончи қишлоғига етиб келдик. Чапга бурилиб, озроқ юргач, бизни кутиб турган “Абдусаттор

ҳожидан” жомеъ имом-хатиби Жўрабой Усмонов ва бошқа отахонлар билан кўришдик. 2004 йили андижонлик Абдусамад уста шогирдлари билан деворларни тиклашган, суваб-пардозлашган, самарқандлик усталар эса ёғоч ишларини бажаришган, эшиклар, устунлар, панжараларни ясаб, ўрнатишган. Масжидга Уйлиқма, Кўкжар, Янгиобод каби қишлоқлардан намозхонлар келишади.

Фаллаорол тумани Сарбозор кўрғонида “Нурул Исло” жомеъ масжиди қурилганига ўттиз йилдан ошди.



терак сотиб, яхшигина фойда кўришини гапириб берди.

Соат ўникки яримга яқин Барлос қишлоғидаги “Барлос” жомеъ масжидига етиб бордик. Одамлар жума намозини адо этиш учун келишарди. Масжид 1994 йили қурилган экан, 2006 йили таъмирланибди, 2008 йили эса кўчадан кираверишга имом-хатиб, мутавалли учун алоҳида хоналар солиниб, хонақоҳ ёнида айвон тикланибди. Имом-хатиб





Масжидга ҳозирда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги вакили бўлиб ишлаётган Нуриддин Исломов кўп йиллар имом-хатиблик қилди. У кишининг ўғли, туман бош имом-хатиби Исомиддин Исломов айтишича, масжид

илк бор 1995, кейин 2007 йили таъмирланган. Бу йил эса масжид томи очилиб, гумбази сифатли қилиб ёпилди.

Аҳолиси 146 минг бўлган Фаллаорол туманида 19 та жомеъ ишлаб турибди. Имом-хатибларнинг кўпи ёшлардан. Бу йил Бухородаги “Мир Араб” мадрасасини беш киши битириб келди. Уч нафари имом-хатиб бўлди, икки киши олий таълим тизимида таҳсил олиш ҳаракатида. Туман имомларидан тўрт киши Имом Бухорий халқаро марказида, бир киши Тошкент Ислон университетида малака оширди.

Сарбозордан чиқиб, Тутли, Қорақўйли, Обуз, Биринчи Қангли қишлоқларидан ўтиб, “Маданият” қишлоқ фуқаролари йиғини “Қашқабулоқ” жомеъ масжидига бордик. Жомеънинг эски биноси ўтган аср олтишинчи йиллари охирида қурилган экан. 2004 йили янги, кўркем масжид тикланди. Эски бино отахонлар учун кутубхона, чойхона вазифасини ўтамоқда.

Жиззах шаҳрида саккизта жомеъ, тўртта маҳалла масжиди-



ди бор. “Оққўрғонлик” маҳалласидаги “Набижон”, “Ўратепалик” маҳалласидаги 2006 йили қурилган “Нижонлик” масжидларини кўздан кечирдик.

Бу масжидларни кўришда Жиззах тумани бош имом-хатиби Маъруфхон Ҳошимхонов билан бирга эдик. Шаҳар маҳаллаларини оралаб, кунчиқарга юрдик. Қўшбармоқ қишлоқ фу-



қаролар йиғини “Қўшбармоқ” жомеъ масжиди ҳам йўл бўйида экан. Масжидни 1992 йили самарқандлик усталар қуришган. Қўшни Қаҳрамон қишлоғи, Жиззах шаҳрининг Зилол, Олмазор маҳаллалари аҳли бу ерда ибодатларини адо этишади.



Маъруфхон домла билан бориб “Учтепа” жомеъ масжидини ҳам кўрдик. 1993 йили қурилган бу жомега кўп йиллар тажрибали устоз Назарқосим Нурмонов раҳбарлик қилди. Ҳозир масжид имоми Нурмуҳаммад Ҳақимов. Учтепа катта қишлоқ, уч мингдан ортиқ хонадон бор. Табиий, масжид фаолларининг маънавий соғлом муҳитни шакллантириш, ёшларни ватанпарвар, меҳнаткаш ва ҳимматли

қилиб тарбиялаш борасида ишлари жуда кўп.

Туманда 26 та жомеъ бор. Улардан, “Ардахшон”, “Имомтепа” қайта таъмирланди, “Яккатут” да, “Имоми Аъзам” да, “Жиззахлик” да таҳоратхоналар, “Ҳазрати Билол” да қўшимча хоналар қурилди, “Саид Қудратхон” да таъмир давом этапти.

Жиззахдаги “Қўшчинор” жомеида имом-домлар билан қисқагина суҳбатлашганимиздан сўнг, вилоят бош имом-хатиби Меҳмонали Жабборов билан Пахтакор туманига отландик. Туман марказига етай деганимизда Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тантаналар устидан чиқдик. Ёшу қари кенг майдонга тўпланган, савдо қаторлари гавжум, спортчилар кураш тушишяпти, санъаткорлар хизматда... хуллас, ҳаммалари байрамни шод-хуррам қаршилашаётган эди.

Пахтакор туманида бешта жомеъ масжиди бор. “Ҳидоят”, “Ислон нури”, “Қора мирзо” уларнинг йириклари. “Ҳидоят” жомеи қурилиши 1988 йили бошланган. 2004 – 2005 йиллари бу ерда катта таъмирлаш бўлди. Масжид томи тунука билан қайта ёпилди. Имом-хатиб Панжи Юсупов айтишича, масжид фаолларидан Иқром ота Раҳматов, Абдуҳалил бобо Расулов, Гулмурод ота Жўрабеков,



Барака ҳожи Мирзаев ва бошқалар хайрли ишларда одамлар бошини қовуштириб, насиҳат ва дуо қилиб туришади.

Зарбдор тумани марказий “Оқмасжид” жомеи Гулистонга кетаверишда Зомин бурими-



га етмасдан чап томонда экан. 1992 йили қурилган. Масжид атрофи кенг дала, олмасор боғ, гумбази узоқ-узоқлардан ҳам ярқираб кўриниб туради. Андижондаги “Сайид Муҳйиддин махдум” мадрасасида таҳсил олган имом-хатиб Бахтиёр Қораев айтишича, қурилиш таъмирлаш ишларида раҳматли Бўрибой ҳожи Азимов бош бўлиб турган. Зарбдор шаҳарчаси, Тозауруғ, Булоқбоши, Навоий, Бешкўби ва бошқа маҳаллалар аҳли жума намозини “Оқмасжид”га келиб ўқишади. Бу йил рамазон кечаларида нанманганлик Шарифжон қори Юсуфхўжаев “Оқмасжид” жамоасига Қуръони каримни тўлиқ тиловат қилиб берди.

Туманда ўн иккита жомеъ бўлиб, “Мангулик”, “Хонхўжа”, “Қусам ибн Аббос” ва бошқа масжидлар жамоалари ҳам хайрли ишларда ибрат кўрсатишяпти.

Хуллас, қайси туманга бормайлик, жомеларда намозхонлар учун шароитлар тобора яхшиланаётганига гувоҳ бўлдик. Ўзбекистонимиз мустақиллиги туфайли эришаётганимиз бундай қулайликлар, Аллоҳ таоло бизга бераётган улғу неъматларнинг

шукрини адо этиш зиммамиздадир. Сафаримиз бошланишида Бахмал тумани бош имом-хатиби Раҳмонқул Маматқулов “Барлос” жомеида мавъиза қилар экан, бу мавзуга алоҳида тўхталди. Домла масалани содагина қилиб тушунтирди:

– Шукрда ҳикмат кўп. Бир қиррасини айтай, масалан, қишлоқ мактабида яхши бир ўқитувчи бор. У маълум фанлар билимдони, ғайратли мутахассис, дарсларга яхши тайёрланади, вақтни беҳуда кетказмайди, қисқаси, ўқувчиларга билим ва яхши тарбия беради. Агар мактаб раҳбарияти, ота-оналар унга эътиборсиз бўлишса, демас, бир улғу неъмат шукрини адо этишмапти. Уни ҳеч қурса, “отанга раҳмат, барака топ” деб самимий қўллаб-қувватлаб туришмаса, бошқа жойга кетиб қолиши ҳеч гапмас. Натижада, қишлоқ болалари қандай азиз неъматдан бебаҳра қолишларини бир ўйлаб кўринг...

Неъматларга шукр қилиш мусулмонга қанчалар ярашиқли фазилат. Чунки шукр аслида, инсонни қадрлаш, унинг шаънини юксалтиришдир. Шукр қилсак, Аллоҳ таоло неъматларини кўпайтириб беришини марҳамат қилган. Шукр ўзаро муомалаларимизда, бир-биримизга ҳурмат-эътиборли, меҳрмуҳаббатли, қувончда шерик, мушкулда ёрдамчи бўлишимизни ҳам тақозо этади.

Абдул ЖАЛИЛ ХЎЖАМ



Ҳамкорликда ишлашга келишиб олишди

Ўзбекистон мусулмонлари идорасида бўлган йиғилишда (8 сентябр) Президентимизнинг қатағон қурбонларини ёд этиш куни “Шаҳидлар хотираси” хиёбонида билдирган фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, республика маънавият-тарғибот маркази, “Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бош имом-хатиблари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов, маҳалла оқсоқоллари кенгаши раиси Анвар Аҳмедов, республика маънавият-тарғибот маркази раиси Минҳожиддин Ҳожиматов, республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Ақром Алимов тинч-осуда ҳаётнинг қадрига етиш, озодлик йўлида қурбон бўлган аждодлар орзу қилган ҳаёт бизга насиб қилгани учун доимо шукронада бўлишимиз зарурлиги ҳақида сўз юритишди. Йиғилиш иштирокчилари ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, кўпорувчилик ва мутаассибликнинг олдини олиш, огоҳликни кучайтириш, ёшларимизни турли оқимларнинг ёмон таъсирларидан асраш бўйича ҳамкорликда режали иш олиб боришга келишиб олишди.

Мухбиримиз



Алишер НАВОИЙ

Ўзбекистон Фанлар академияси “Фан” нашриёти Алишер Навоийнинг “Ситтаи зарурия” (Олти зарурий қасида) китобининг насрий таржимасини нашрдан чиқарди. “Фоний” тахаллуси билан форс тилида ёзилган қасидаларга мутафаккир шоир “Рухул қудс” (Муқаддас рух), “Айнул ҳаёт” (Ҳаёт булоғи), “Тухфатул афкор” (Фикрлар тухфаси), “Қутул қулуб” (Қалблар озукаси), “Тухфатун нажот” (Нажот тухфаси), “Насимул хулд” (Жаннат шабадаси) деб ном берган. Қасидаларни Сайфиддин Сайфуллоҳ, Содир Эркинов, Наззора Бекова, Ҳалима Мухторова таржима қилишган. Китобдаги учинчи – “Тухфатул афкор” қасидасидан баъзи ҳикматларни этиборингизга ҳавола этиялмиз.

КОМИЛ ИНСОННИНГ НАЗАРИ

* Зеб-зийнатга ҳирс қўйиш шон-шавкатни барбод этади, ўрмон шерига нисбатан занжирбанд шернинг савлати кўримсиздир.

* Қуриган оғиз ва намли кўзга қаноат қил, ҳўлу қуруқда қаноат қилган қуруқлик ва денгиз подшоҳидир.

* Хожа бир нарс олишдан олдин андиша қилиб, хижолат чекади, қози тама қилиб эшикка мўлтираб туради.

* То риёкор шайх сафсатасини бас қилмас экан, кўнгил оғрийверади, то қишнинг совуғи кетмас экан, яланғоч изтироб чекаверади.

* Ҳийлагарлар гапирадиган воқеалардан ақл қулади, тушида афсона айтувчи (алаҳсировчи) одамнинг иши ҳам кулгилидир.

* Тамагир воиз нон тиловчи гадога ўхшайди, улар ўртасидаги фарқ шу: бири минбар устида, бири минбар пастида.

* Риё тасбеҳи доналари расволик уруғини ундиради, дарвоқе, уруғ ўз жинсига мансуб мева берур.

* Фақиҳ (шариат олими) фикҳ (шариат илми)ни макрҳийла қуроли қилиб олса, у фақиҳ эмас, “фикҳ касали”га мубтало кишидир.

* Орифлар наздида донишманднинг ўринсиз лофи Афлотун бошига тож бўлса ҳам, бало-офатлар келтирувчидир.

* Эшакмунчоқ эшак нўхтаси-

ни безашга муносиб бўлганидек, нодоннинг сафсаталари ҳам уни масхара қилишга арзийди, холос.

* Оқшом юлдузларга боқсанг, бойўғлилардек сенга тикилиб туришади, ахир алдоқчи юлдузлар қандай шумлик келтиришлари мумкин?

* Чарх бир касалдир, ундан эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки зоҳирининг ҳар тарафида юлдузлардан оқ хол (доғ)лар бор.

* Агар разил (пасткаш) одам қимматбаҳо (либослар) кийиш учун умрини барбод қилса, ажабланма, пилла қурти ҳам ўзига ипакдан кафан тўқийди.

* Оқил киши фақирларга пешволик қилса ҳам камтар бўлади, худди икки марваридни бир жойга пинҳон этган каби (яхшилигини яширади).

* Ақл яхши ном чиқариш хазинаси, ишқ улуг бир олам, рўзғор тутиш хотин иши, лашкар бўлиш эрнинг насибасидир.

* Хасис одам қўлидаги ҳар бир ақчани абадий деб ўйлайди, уйқудаги одам тушида кўрган ҳар қандай кайфу сафоларга ишонади.

* Кўмилган мол-мулк бошида ўтирган нақшин либосли золим хазина устида ётган олачипор аждардир.

* Ҳар доим тилинг тифини тортавермагин, шам бошида шуъладан олтин дубулға бўлса ҳам, бўйнидан кесадиладир.

* Гуноҳсиз одамга тил тифи

билан озор бериш соғ томирга ништар уриб, дармонсиз қилган кабидир.

* Хоксор кишилар даражада жаббор (жабр қилувчи)лардан юқори туришади, чумоли шердан ўта кичик бўлса-да, минорада осон юради.

* Ҳиммат аҳлига фалак но текислигидан не зарар, юлдузлар сайр этишганида йўлда анҳору жарликлар бўлса не гам?

* Ҳийлагарнинг сўзидан рост гапдек фойдаланиб бўлмайди, масхарабоз майдонидаги сабзавотлар деҳқон полизидаги мевалардек эмас.

* Хоин тубанлик билан ҳосилни қўлга киритади. Тухум ўғирлайдиган сичқонлар ҳам шундай қилишади: бири замбар бўлиб, ҳосилни бағрига босиб олса, иккинчиси юк ташувчи каби уни судраб кетади...

* Кўп нуқсонлар бор, улардан бир нави фойда ҳам келар: лўлининг ёрилган чирмандаси маймун ўйнайдиган чамбарак бўлур.

* Бу кўҳна дунёда осмонни кўзлаб, бир фойда изламагин, Исодан (алайҳиссалом) юқорида ҳам юлдузлардан минглаб кўршапалак бор.

* Комил инсоннинг кўзи Хизр чашмасидир, ким бу икки чашмадан бирини топса, иншааллоҳ, абадий ҳаётга эришар...

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ

тайёрлади.

МИССИОНЕРЛАР ТУЗОФИДАН САҚЛАНИНГ



Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг маънавиятни юксалтириш, диний қадриятларни тиклаш борасида катта ишлар қилинди. Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия ўртасида тотувлик, бағрикенглик ҳукм сураётганини алоҳида айтиш мумкин.

Лекин диний қадриятлар эркинлигидан фарзли мақсадда фойдаланувчилар чиқиб қолгани ҳам ҳақиқат. Бундайлардан баъзилари муқаддас Ислом дини номидан иш юритиб, унга доғ тушираётган экстремистик ҳамда террористик оқим ва ташкилотлар бўлса, бошқалари христиан динини ниқоб қилиб олган секталар ва уларнинг “миссионерлари” дир.

Жаҳон динларидан саналган насронийлик (христинлик)да турли секталар борлиги ушбу дин кенг тарқалган мамлакатларда катта муаммога айланган. Маълумотларга кўра, ўтган аср етмишинчи йилларида ривожланган мамлакатларда мазкур диннинг 1500 дан 5000 гача турли йўналишлари бўлган. Лекин аҳоли уларни қабул қилмагани учун кўпи ҳозир йўқолиб кетган. Фран-

ция бўйича келтирилган маълумотга кўра, ушбу давлатда ҳозирда 170 га яқин секта ва уларнинг саккиз юзта шаҳобчаси мавжуд экан. Аслида, ўрта асрларда христианлик динининг католик ва православ йўналишлари мустақам илдиз отган эди. Бироқ протестантлик ажралиб чиққач, унинг ўзида турли оқимлар кўпайди.

Хўш, секталар ва уларни тарғиб қилаётган “миссионер”ларнинг нима зарари бор, деган савол туғилиши мумкин. Асосий эътиборни мана шу жиҳатга қаратсак. Биринчидан, миссионерлик натижасида маълум бир динга эътиқод қилувчилар орасига анъанавий диндан ташқари ўзга дин кириб келади. Унинг ортидан ўзгача дунёқараш, урф-одат ҳам ёйила бошлайди. Бу эса ўз навбатида одамлар ўртасида диний, эътиқодий, гоъвий, фикрий бўлиниш ва қарама-қаршиликни вужудга келтиради. Иккинчидан, “ташвиқот” натижасида бир динни иккинчи диндан устун қўйиш, ўз “диндошлари”га бошқача муносабат “ғайрилар”га ўзгача муносабат шаклланиди ва бу муносабат оила, қавм-қариндошчилик, қўни-қўшничиликка ҳамда жамият бирдамлигига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Учунчидан, бундай бўлиниш одамларнинг хусуматлашиши, жамиятдаги муаммоларни яқдил ҳал қилмаслиги, охир-оқибат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда ҳам муаммолар бўлишига олиб келади. Тўртинчидан, ўзга таъсир доирасига тушганларнинг миссионерлар тобеъларига айланиб қолишлари, уларнинг буйруқлари, кўрсатмаларига сўзсиз итоат қилишлари натижасида разил ишларга ҳам қўл урилади. Умуман олганда, бу услуб давлат ва жамиятни парчалаш, уни таназзулга юз туттириш, маънан қашшоқлаштириш, ўз муаммолари билан машғул қилдириб, мамлакатнинг бошқа муҳим вазибаларидан чалғитишнинг энг яхши воситаларидан ҳисобланади.

Санаб ўтилган омилларнинг ўзиёқ бундай секталар ва уларнинг тарғиботчилари жамият ва давлатга катта хавф туғдиришига етарли далилдир.





Айни пайтда разил натижаларга эришишга интилувчи кучларнинг ўз даъватчиларини доимо қўллаб-қувватлаб туриши ҳам уларга қарши курашнинг узоқ чўзилишига сабаб бўлишини ҳам эсдан чиқара олмаймиз.

Миссионерлар ва улар мансуб секталарни ажратиб олишнинг жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

– *кўпчиликни анъанавий диндан узоқлаштириши.*

Бунинг натижасида оиладан, яқинлардан, жамиятдан узоқлашиш ҳолатлари келиб чиқади. “Миссионер”лар одамлардаги, жамиятдаги, мамлакатдаги баъзи бир камчилик ва “гуноҳ ишлар”ни рўқач қилиб, теварак-атрофга салбий муносабатда бўлишга ҳамда бошқаларда шундай муҳитни шакллантиришга интиладилар. Улар ҳаворий Павелнинг қуйидаги сўзини нотўғри талқин қилишади: «Худо: “Уларнинг орасидан ажралиб чиқинг ва нопок нарсаларга тегманг”, дейди»;

– *ўзларини “тўғри йўлдагилар” деб санаш.* Аъзолар сектадаги ҳар бир амални ўзларига қоида, сафдошларини эса, “қардош” билиб, қолган барча нарсаларни инкор қилишади;

– *секта аъзолигига аста-секин ва якка тартибда қабул қилиши.* Дастлаб, ўзига оғдирмоқчи бўлган киши билан турли масалаларда, масалан, дин, Яратувчи ҳақида суҳбатлашилади, ҳамма қабул қиладиган мўтадил фикрлар айтилиб, ўз сўзлари маъқул топтирилгачгина мақсадга ўтилади. Сўнг ўзларининг жамоавий тадбир ва суҳбатларига олиб борилади. Ишонч ҳосил бўлганидагина унга жиддийроқ масалалар айтилади. Белгиланган босқичлардан ўтган киши аъзо қилиб олинади. Ҳеч қачон оммавий тарзда “дин қабул қилдирилмайди”;

– *қатъий тартиб-интизом.* Сектада белгиланган тартибларга амал қилиш барча аъзоларга шартдир. Сир ошкор қилинмайди. Қоидаларни бузганларга жамоадан вақтинча ёки умуман четлатилиши каби турли жазо чоралари кўрилади;

– *марказлашган бошқарув.* Секталарнинг таркибий тузилмасига кўра, кичик жамоадагилар ўша жамоа раҳбарига, у ҳам ўз навбатида каттароқ раҳбарга итоат этади. Охир-оқибат раҳбарларнинг барчаси марказий бошлиққа бўйсунди. Масалан, “Иеҳова гувоҳлари”да бундай: “Биз теократик ташкилотни унинг содиқ ва итоатгўй қули (секта раҳбари) билан тан олишимиз даркор... қулга нисбатан қарши чиқиш Иеҳова (Илоҳ) га нисбатан қарши чиқиш саналади”;

– *барча учун лозим бўлган муқаддас иш.* Жамоа аъзолари секта ғояларини фаол тарқатиш, сектага тааллуқли ишларни қолган барча нарсадан устун қўйиб, уни биринчи галда бажариш, керак бўлса, бу йўлда оила, ота-она, фарзанд, яқинлар, жамиятни тарк қилиш ёки уларга қар-

ши чиқишга тарғиб қилинади. Шунингдек, “тарғиботчилар” янги аъзоларни “Худога олиб боришлари” ҳам шарт ҳисобланади. Бу йўлда улар ҳеч нарсадан тап тортишмайди: алдаш, ҳийла ишлатиш, ўзини ростгўй, тақводор, бахтли, омадли, бой ёки қийналган, эзилган қилиб кўрсатиш каби бир қанча услублардан фойдаланишади. Агар уларни эшитмасликка ҳаракат қилсангиз, бошқачароқ мавзуда сўз очишади ва тарғибдан тўхташмайди. Улар ишонч ва матонат билан сўзлашга буюрилган. Шу сабаб, улар нима қилиб бўлса-да, одамлар ишончига кириш, уларни ўз томонига оғдириб олишга бор кучини сарф қилишади.

Шуни эсдан чиқармаслик лозим: тарғиботчи бирор бошқа динга эътиқод қилувчи одамга ҳеч қачон ўз динини устун қўйиб, бошқанинг динини камситишдан гап бошламайди. Балки дастлаб, ўз дини билан унинг дини ўртасидаги муштаракликларга тўхталади. Масалан, Исо пайгамбар Ислолда ҳам пайгамбар сифатида тан олинади, дейди. Шу сабаб миссионер Исонинг (алайҳиссалом) буюклиги, Курьоннинг бир нечта оятларида зикр этилганини айтиб, Инжилдаги мисоллар билан бойитади. Аслида эса, у Курьони каримни тан оладими ёки йўқми, деган савол очиқ турибди. Суҳбатдош юқоридаларга кўнсагина, кейинги босқичга ўтилади. Бу ҳолатни ўзбек тилида чоп этилаётган китобларда ҳам кузатиш мумкин. Демак, “ҳар бир ялтираган нарсани олтин дейиш” хато экан.

Миссионер инсонни жалб қилиш мақсадида одамга ширин ва мулоим сўзларни айтиши, керак бўлса, унинг ташқи жиҳатлари ёқимли экани, кийими ўзига жуда ярашгани, юзи нурунийлиги ва шу каби мақтов сўзларини айтишдан тап тортмайди. Агар унга телефон рақамингизни ёки



уй манзилингизни берсангиз борми, минг узрлар билан сизни безовта қилишни бошлайди.

Даъватчилар фан ва техника ривожлангани сари тарғиб қилишнинг китоб ва варақалар тарқатиш услубларидан интернет, радио, телевидение, журнал ва газета каби замонавий ютуқлардан тобора кенг фойдаланишга ўтишяпти. Шунингдек, улар аёлларнинг кўпроқ таъсирчанлиги ва ёшларнинг дунёқараши етарли даражада шаклланмаганидан ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринишмоқда. Ўз навбатида ёшлар янги куч сифатида доимо керакдир.

Баъзи секталар тўғрисида россиялик олимлар келтирган маълумотлар диққатга сазовордир. Аниқланишича, секта аъзолари орасида ёлғиз аёллар 45 фоизни, қирқ ёшдан юқори бевалар 54 фоизни, 30—40 ёшлилар ичида эрга тегмаганлари 14 фоизини ташкил этар экан. Шу билан бирга, секта таъсирига тушганлар ичида 39,2 фоизини нафақахўрлар, 5,2 фоизини ногиронлар, 12,4 фоизини уй бекалари, 24 фоизини вақтинча ишламайдиغانлар, 69 фоизини умуман ишламайдиغانлар ташкил қилади. Бу ҳол ўз навбатида аъзолар орасида ёлғиз, мулоқотга муҳтож, меҳнат тажрибаси ва билим савияси паст бўлганларнинг кўплиги ва ижтимоий ҳаётда қийналганларга кўпроқ эътибор қаратилишини кўрсатади. Чунки бундай кишиларнинг миссионерлар тўрига илинишлари нисбатан осонроқ кечади. Лекин, шу билан бирга, аҳолининг тўқис, фаровон қисмига ҳам алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлаш лозим.

Бу томондан секта аъзоларини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчиси, секта йўл-йўриқларига амал қиладиган, лекин тўлақонли равишда унга кирмаган, сектадаги баъзи бир жиҳатларга қўшилмасалар-да, лекин кескин эътироз билдирмайдиганлар.

Иккинчиси, ишонувчилар. Улар кўпинча секта манбалари, битикларини ўқийдилар, ибодатларда қатнашадилар, баъзи бир нозик масалаларни англаб етмаган бўлсалар-да, таълимотнинг умумий жиҳатларини билиб, Янги Аҳдни ўқиганлар.

Учинчи гуруҳ вакил-

ларини бир сўз билан “ўта берилганлар” деб аташ мумкин. Улар секта таълимотига муккасидан кетган кишилар бўлиб, кескин ишларни қилишдан ҳам қайтишмайди.

Шу ўринда табиий савол туғилади: бундай секталарга кириб қолганларни қандай қилиб ундан қайтариш мумкин. Бу иш анча мушкул ва секта аъзоси ундан ўз ихтиёри билан осонликча чиққиси келмайди. Сектанинг бошқа сафдошлари ҳам бунга қаттиқ қаршилиқ кўрсатишади. Бу ерда “касални даволагандан кўра, унинг олдини олган яхши” деган матални келтирган маъқул. Бошқачароқ айтганда, профилактик-тарғибот ишларини кучайтириш зарур.

Аъзоларни бу хатарли йўлдан қайтаришда қуйидаги икки услуб фойдадан холи эмас:

Аввало, яқинлари уни сектадан мажбурий равишда ажратиб олиб, у ҳатто эшитишни хошламаган аччиқ ҳақиқатни, яъни миясини заҳарлаганлари, “устози” нақадар ёлғончи ва қаллоб экани, сектанинг асл келиб чиқиши ҳамда мақсадлари каби маълумотлар етказилади. Бу услуб кескинроқ бўлса-да, фойдаси кўпроқдир.

Кейингиси, насиҳат услуби бўлиб, керакли мутахассислар, руҳшунослар ёрдамида тушунтириш берилади. Кейинчалик унга танлаш ихтиёри топширилади. Тўғри, сектадан чиққан кишининг олдинги ҳаётга мослашиши руҳий жиҳатдан осон кечмайди. Шу билан бирга, атрофидагиларнинг эътибори, қайта тарбияси, панду насиҳатлари, ёрдамлари ҳам кам бўлмаслиги лозим. Чунки миссионерлар уни ўз сафларига қўшиб олишга қанчалик қаттиқ ҳаракат қилганларини эсдан чиқариб бўлмайди.

Умуман олганимизда, инсон оила, маҳалла, жамиятдан айри яшай олмайди. Шу сабабли, ўзимизга жиддий эътибор қаратмоғимиз, эътиқод ва иродаимизни бўшаштирмаслигимиз ва қолаверса, ён-атрофимиздаги кишиларга нисбатан масъулиятимизни ҳис этишимиз даркор. Бир кишининг нотўғри йўлдан қайтиб, тўғри йўлни топишига сабаб бўлиш бизга дунё ва ундаги барча нарсалардан аъло экани тўғрисидаги ҳадисни эсдан чиқармайлик.

Даврон МАҚСУДОВ



Тахтага қоқилган михлар

Доим дўстлари билан тортишиб юрадиган бир қайсар йигит бор экан. Бир куни даси унга бир қоп мих берибди.

— Одамлар билан тортишиб қолганинда ҳар сафар тахтага биттадан мих қоқ, — дебди.



нингда ёмон сўзлар айтгансан. Ҳар бир ёмон сўз кўнгилда асорат қолдиради. Энди дўстларингдан узр сўраб, яхши сўзлар айтиб, қалбларига малҳам бўлишинг керак, — дебди.

Одобни йўқотманг

Сув, Олов ва Одоб учаласи дўст бўлишибди. Бир куни бирга сайрга чиқишибди. Қаттиқ шамол турган экан, хавотирланишиб, олдин Сувдан сўрашибди:

— Йўқолиб қолсанг, сени қаердан топамиз?

— Қаерда шариллаган, шилдираган овозни эшитса-

Навбат Одобга келганида, у шундай жавоб берибди:

— Мени йўқотсаларинг, излаб юрманглар, ҳеч қаердан топа олмайсизлар.

Мушукчанинг бахти

Катта мушук думини ўйнатаётган митти мушукчандан:



ЁМОН СЎЗ АСОРАТ ҚОЛДИРАДИ

Йигит биринчи ҳафтадаёқ тахтага ўттиз еттита мих қоқибди. Кейинги ҳафтalarda ўзини бошқаришга ҳаракат қилибди ва кундан-кунга мих қоқишни озайтирибди. Ниҳоят, бир куни битта ҳам мих қоқмабди. Бу ҳолни отасига келиб айтибди. Отаси уни тахтанинг ёнига етаклабди:

— Бугундан бошлаб ҳеч ким билан тортишмаган кунларинг биттадан михни суғуриб олавер, — дебди.

Кунлар ўтаверибди. Ниҳоят, бир куни тахтада бирорта ҳам мих қолмабди. Отаси унга:

— Офарин, яхши иш қилдинг. Энди бу тахтага диққат билан қара, шўрлик, илматешик бўлиб кетибди. Олдингидай чиройли эмас. Одамлар билан тортишга-

ларинг, мен ўша ерда бўламан, — дебди Сув.



Шундан сўнг Оловдан сўрашибди:

— Сени йўқотиб қўйсақ, қаердан топамиз?

— Қаерда тутун кўрсаларинг, мен ўша жойда бўламан, — дебди Олов.

— Нега думингни қувляяпсан? — деб сўради.

Мушукча жавоб берди:

— Мушукка бир яхши нарса бахт келтиришини, бахт эса думим билан эканини билдим. Шунинг учун уни қувляяпман. Думимни тутиб олсам, бахтга эришаман.

Шунда катта мушук:

— Болалигимда мен ҳам думимни бахт деб билардим. Кейинчалик англаб етдим: қачон қувласам, дум мендан узоқлашади, қачон хотиржам сичқон овлаб юрсам, думим доимо изимдан эргашади, — деди мушукчага.

**Муна, Сумайро
АБДУЛЛОҲ қизлари
тайёрлашди.**

КУБА РЕСПУБЛИКАСИ



1492 йили Христофор Колумб Кубага сафар қилганига қадар бу ерда араваки қабиласи яшаган. Куба тез орада испанлар мустамлакасига айланди. Мустамлакачилар туб аҳолини деярли батамом қириб ташлаб, шакарқамиш ва тамаки далаларида ишлатиш учун Африқодан қуллар олиб келишди. Узоқ давр мобайнида Куба бой испан мустамлакаларидан бўлиб келди. Ўн тўққизинчи аср ўрталарида у бутун дунёда ишлаб чиқариладиган шакарнинг учдан бирини етказиб берарди.

1868 йили мустақиллик



Майдони: 110 860 кв. км.
Аҳолиси: 11, 3 миллион киши.
Пойтахти: Гавана шаҳри.
Тузуми: республика.
Давлат бошлиғи: Давлат Кенгаши раиси.

Маъмурий тузилиши: 14 вилоят ва марказга бўйсунувчи Хувентуд музофотидан ташкил топган.

Йирик шаҳарлари: Сантяго де Куба, Камагуэй, Олгин, Гуантанамо, Санта Клара, Сиенфуэгос.

Пул бирлиги: куба песоси.

учун ўн йиллик уруш бошланди, аммо у кубалик қўзғолончилар мағлубияти билан тугади. 1898 йили АҚШ Испанияга қарши уруш бошлади ва Кубага қўшинларини жўнатди.

1901 йили Куба мустақилликка эришди. Кейинчалик иқтисодий қарамликда қолган Куба АҚШ

қўллаб-қувватлаган ҳукмдорлар қўл остида бўлди.

1959 йили кубаликлар Фидел Кастро бошчилигида Батиста ҳокимиятини афдариб, ривожланишнинг социализм йўлини танлашди. 1961 йили Кастро Кубани, коммунизм қуриш йўлидан



бораётган давлат, деб эълон қилди ва СССР билан дўстлик-ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Бу ҳолат Кубанинг АҚШ билан муносабатлари кескинлашувига, ўзаро савдо алоқалари буткул тўхтатилишига олиб келди.

Аммо Куба совет давлати ёрдами билан иқтисод ва ижтимоий соҳада бирмунча ютуқларга эришди. 1991 йили СССР парчаланганидан ке-



йин Куба иқтисодида оғир вазият юзага келди. 1994 йили минглаб кубаликлар АҚШдан сиёсий бошпана сўраб, юртни тарк этишди. Фидел Кастродан ҳокимиятни қабул қилиб олган укаси Раул Кастро ҳозир Куба мавқеини тиклашга, унинг Оврупа ва Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини яхшилашга интиломқда.

Куба иқтисоди марказлашган давлат йўналишига асосланиб, қишлоқ хўжалиги ва ташқи савдога таянади. Асосий тармоқ шакар ишлаб чиқаришдир, шу боис далаларга асосан шакарқамиш экилади. Шунингдек, тамаки, шоли, ситрус мевалари, кофе ҳам етиштирилади. Катта-катта ананас, манго, банан боғлари бор. Йирик шохли қорамол, парранда ҳам боқилади.

Собиқ СССРдан сармоя камайгач, шакар сотишдан келадиган даромад кескин озайди. Кейинги пайтларда ҳукумат сайёҳликка ва саноат корхоналарига чет эл сармоялари ётқизишни рағбатлантирмоқда, Лотин Амриқоси мамлакатлари ва Хитой билан алоқаларни ривожлантиряпти.

Мамлакат чет элга шакар, кофе, мева, балиқ ва унинг маҳсулотлари, тамаки, ичимликлар, маъданли хомашёлар сотади. Четдан эса машина ва улов ускуналари, озиқ-овқат, ёқилғи сотиб олади. Канада, Испания, Мексика, Аргентина, Хитой, Булғористон, МДХ мамлакатлари унинг савдодаги асосий шерикларидир.

Кубада кўп йиллар мобайнида динга қарши кураш олиб борилди. Аммо ўтган аср охирларида орол аҳолисининг эътиқод масалаларига қизиқиши кучайди. Ҳозир кубаликларнинг анчагина қисми католик динида, оз сонли протестантлар ҳам бор.



Сўнгги йилларда эса Кубада Ислom динига ҳам қизиқиш ортяпти. «Озодлик ороли»да ҳозир етти минг мусулмон яшаётганига қарамай, яқингача бирорта ҳам масжид йўқ эди. Мусулмонлар жума ва ҳайит намозларини Куба Ислom уюшмаси айвонида ўқишга мажбур эдилар. 2007 йили мамлакат раҳбари Фидел Кастро Ислom уюшмаси илтимосини инобатга олиб, масжид қуришга рухсат берди ва бунинг назоратига олди.

Кубада саксон йил яшаб вафот этган ливанлик тадбиркор Александрo Жатибининг қизи Мажагуа шаҳрида



ўтган йили Куръони каримнинг нодир нусхасини намойиш этгани ҳам мамлакат ҳаётида катта воқеа бўлди. Оммавий ахборот воситалари кўргазмани «Куба маданиятининг мусулмон маданияти сари қўйган қадами», деб баҳолашди.

Мусулмонларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ҳукумат мамлакат пойтахтида биринчи Ислom марказини ҳам очишга рухсат берди. Бунинг учун Лотин Амриқоси мусулмонлари уюшмаси бош котиби Муҳаммад Юсуф Куба ҳукумати билан бир йил музокара олиб боришига тўғри келди. Ушбу марказ мамлакатдаги илк исломий-диний ташкилотдир.

Аҳмад ТУРСУН

Манбалар:

1. «Страны мира», справочник. Москва, 2003 г., стр. 489-492.
2. «Атлас мира», справочник. Москва, 2003 г., стр. 20-21.
3. Интернет сайтлари.



Абдурахмон РАЪФАТ ПОШО

СУМОМА ИБН УСОЛ



Сумома ибн Усол Ислом тарихида илк бор талбия айтган саҳобадир.

...Ясрибга кўчишнинг олтинчи йили Расулуллоҳ (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ динини ёйиш учун араб ва ажам ҳукмдорларидан саккиз нафарига мактуб ёздилар ва уларни Исломга чорлаб, чопар юбордилар. Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) мактублари етиб борганлардан бири Сумома ибн Усол эди.

Чунки Сумома жоҳилият замонида араб оламида таниқли ва обрўли шахслардан, Бани Ҳанифа қавмининг эътиборли кишиларидан бири, Ямома ўлкасида унинг айтгани айтган, дегани деган эди.

Сумома Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) мактубларини норози ҳолда, энсаси қотиб ўқиб чиқди. Унинг кибру ҳавоси, гуноҳлари эзгуликка чақириқни эшитишдан тўсиб турарди. Сўнг шайтон уни йўлдан оздириб, Аллоҳнинг Расули жонига қасд қилиш ва шу йўл билан унинг чақириқларига чек қўйиш режасини тузди. Сумома манфур ниятини амалга ошириш учун қулай пайт пойларди. Фақат Аллоҳ таоло Пайғамбаримизни Сумоманинг ёмонлигидан асраб қолди. Сумоманинг амакиларидан бири узоқни ўйлаб, уни шаштидан туширди, қора ниятидан қайтарди.

Аммо у режасидан воз кечган бўлса ҳам, саҳобалардан аламини олиш мақсадида қулай имкон кутарди. У тобора ҳалокат сари интиларди...

Бу воқеалардан кўп ўтмай Сумома Каъбани тавоф этиш, бутлар учун қурбонлик қилиш ниятида Ямомадан чиқиб, Макка сари жўнади. Мадина яқинида бир воқеа содир бўлди. Расули акрам шаҳар ташқарисига қўйган соқчилар гуруҳи танимай Сумомани қўлга олиб, шаҳарга келтиришди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) масжидда оёқ-қўли боғланган Сумомани кўриб:

— Унинг кимлигини биласизларми? — деб сўрадилар.

— Йўқ, — дейишди саҳобалар.

— У Сумома ибн Усол ал-Ҳанафий, унга яхши муносабатда бўлинглар, — дедилар ва уйларига бориб, аёлларига:

— Қандай таомингиз бўлса, Сумомага юборинглар, — дея тайинладилар.

Сумоманинг Исломга мойиллик билдирмагани боис Расули акрам уни бир неча кун ўз ҳолига қўйдилар. Лекин суви-таомидан хабар олдириб турдилар. Бир куни унга кетишга изн берилди.

Сумома Масжидун Набийдан чиқиб, Бақий қабристонига яқин бир хурмозорда туясини



чўктирди. Ўша ердаги чашма сувида ювинди, яна мас-
жидга қайтиб келди ва ичкари кириши биланоқ:

– Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Му-
ҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу, – дея имонини изҳор
қилди. Сўнгра Пайгамбаримизга:

– Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Аллоҳга қасам, бу-
гунгача юзингизни кўргим келмасди, энди у мен учун
энг сеvimли юзга айланди. Аллоҳга қасам, бугунгача
динингизни асло ёқтирмасдим, энди у менинг сеvimли
динимга айланди. Аллоҳга қасам, бугунгача шаҳрингиз
менга хунук кўринарди, энди у мен учун энг гўзал
маскан бўлди, – деди.

Сумома шундай дегач, олдин қилган гуноҳлари учун
жазолашларини сўради.

– Сен энди маломат қилинмайсан, эй Сумома, –
дедилар.

Сумома бу гапдан сеvиниб кетди ва Пайгамбари-
миздан (алайҳиссалом) сўради:

– Эй Аллоҳнинг Расули, умра нияти билан келаёт-
ганимда мени ушлаб олишган эди, энди нима қилай?

Расули акрам унга умра тартибини ўргатдилар, сўнг:

– Умрани Аллоҳ ва Унинг Расули кўрсатганидай адо
қил, – дедилар.

Сумома йўлга тушди ва Маккага етганида овози-
нинг борича «Лаббайка Аллоҳумма лаббайк... Лаббайка
ла шарика лака лаббайк... Иннал ҳамда ван-неъмата лака
вал-мулк... Ла шарика лак», деб талбия айта бошлади.
Сумома ибн Усол Маккада энг биринчи талбия айтган
одам сифатида тарихга кирди.

Шундай қилиб Сумома ибн Усол (розийаллоҳу анҳу)
бутун Қурайш кўз ўнгида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу
алайҳи ва саллам) ўргатганларидай умра ибодатини адо
этди. Бут-санамларга эмас, Аллоҳ таолога қурбонлик
қилди. Юртига қайтгач эса, қурайшликларнинг адаби-
ни бериб қўйиш учун уларга юборилаётган дон-дунни
тўхтатишга буюрди. Қавми унга бўйсуниб, Маккага ғалла
жўнатишни тўхтатди. Сумоманинг иқтисодий қамали
Қурайшнинг тинкасини қуритди, шаҳарда очарчилик
хавфи пайдо бўлди. Шунда маккаликлар Пайгамбари-
мизга (алайҳиссалом) мактуб йўллаб, қамални тўхта-
тишни сўрашди. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва
саллам) Сумомага яна дон-дун юборишини сўраб хат
юбордилар...

Сумома ибн Усол (розийаллоҳу анҳу) умр бўйи
динига содиқ қолди, Пайгамбаримизга (алайҳиссалом)
берган ваъдасига вафо қилди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу
алайҳи ва саллам) вафотларидан сўнг диндан чиққан-
ларга ва сохта пайгамбарларга қарши турди. Қабиласи-
ни бу фитналарга қўшилмасликка чақирди.

«Саҳобалар ҳаёти» китоби асосида
Аҳмад МУҲАММАД
тайёрлади.



Жон куйдириб ишлаш керак

Шу йилги рамазоннинг ўн саккизин-
чи куни – 8 сентябрда Ўзбекистон му-
сулмонлари идораси Уламолар кенгаши-
нинг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб
ўтди. Йиғилишда Юртбошимизнинг қата-
фон қурбонларини ёд этиш куни (31 ав-
густ) “Шаҳидлар хотираси” хиёбонида
билдирган фикр-мулоҳазаларидан келиб
чиқадиган долзарб вазифалар муҳокама
этилди, уларни бажариш чоралари бел-
гиланди. Мазкур масала юзасидан Ўзбе-
кистон мусулмонлари идораси раиси, муф-
тий Усмонхон Алимов, Дин ишлари бўйи-
ча кўмита раиси вазифасини бажарувчи
Ортиқбек Юсупов ва бошқалар сўзга чи-
қишди. Нотиқлар республикамизда барқ-
арорликка осонликча эришилмаганини,
тинчлигимизни, тўкин ҳаётимизни асраш
йўлида аҳил-иноқ яшашимиз, фаол ва
хушёр курашишимиз кераклигини уқти-
ришди. Айниқса, ёшларни турли оқим-
ларнинг ёмон таъсиридан ҳимоя қилиш
учун имом-хатибларимиз кўпроқ жон
куйдиришлари, фидойилик кўрсатишля-
ри зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда таълим муассасалари тала-
баларини дарсликлар, ўқув қўлланма-
лари, шунингдек, ётоқхона билан таъ-
минлаш каби масалалар ҳам муҳокама
қилинди.

Фаол мударрисларга мукофотлар

Ўзбекистон мусулмонлари идорасига
қарашли олий ва ўрта махсус илм мас-
канларида 200 га яқин ўқитувчи ва ус-
тоз-мударрислар ёшларга таълим-тарбия
бермоқда.

ЎМИ ҳузуридаги “Муқаддас қадамжо-
ларни сақлаш ва обод этиш хайрия жам-
фармаси” 1 октябр “Устозлар ва мураб-
бийлар куни” муносабати билан фаол ўн
нафар мударрисни (ҳар таълим муассаса-
сидан бир киши) махсус мукофот билан
рағбатлантирди.



ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Уламолар рухсат беришди



Бирлашган Араб Амирликлари Абу Даби фатволар маркази уламолари чўчқа гриппи вирусидан ҳимояланиш мақсадида мусулмонларнинг жамоат намозларида тиббиёт ниқобларини тақишларига

рухсат берилишини маълум қилишди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра, бир ниқобни бир мартагина тақиш керак. Бундай ниқоб гапираётган одам оғзидан ҳавога учадиган тупук томчиларини “ушлаб” қолади, респиратор эса вирус ёпишган кўринмас заррачаларни ютишдан сақлайди.

Абу Даби фатволар маркази мамлакатда фатво чиқаришни тартибга солувчи махсус ваколатли расмий муассасадир.

Янги университет



Саудия Арабистонида янги очилган Қирол Абдуллоҳ номидаги фан ва технологиялар университетида четдан 70 нафар мутахассис жалб этилган. Шунингдек, илм масканида чет эллик ёшлардан ҳам 800 нафари таълим олади.

23 сентябр куни кечкурун 85 ёшли қирол университетнинг тантанали очилиш маросимига келди. Маросимда фарб давлатлари дипломатлари, минтақа мамлакатлари вакиллари, шунингдек, олимлар, Нобел мукофоти эгалари ҳам иштирок этишди.

Америкалик собиқ дипломат Жон Бежес айтишича, “Жаҳонда махсус техникалар билан бундай яхши жиҳозланган бошқа университет йўқ”.

Оқ уйнинг мусулмон вакили

Оқ уйдан хабар беришларича, президент Барак Обама бир неча кишиларни АҚШ маъмуриятида муҳим лавозимларга тайинламоқчи. Улар орасида қишлоқ хўжалиги



бўйича маслаҳатчи бўлиши кутилаётган Ислом Сиддиқий ҳам бор. Ҳозиргача у экинларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари савдоси билан шуғулланувчи “CropIge America” компанияси вице-президенти лавозимида ишлаб келди. 1997 – 2001 йиллари Ислом Сиддиқий Бил Клинтон маъмуриятида ҳам турли мансабларни эгаллаб турган. 2001–2003 йиллари эса доктор Сиддиқий истиқбол ва халқаро тадқиқотлар марказида катта дотсент бўлиб ишлади, қишлоқ хўжалигида биотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари билан шуғулланди. Шунингдек, 2004 йилдан Америка савдо департаментининг кимёвий воситалар ва доришунослик (фармасевтика) кўмитасида ҳам фаолият олиб борди. Олдин эса Ислом Сиддиқий Калифорния озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги департаментида 28 йил ишлаган эди. У Ҳиндистоннинг Уттар Прадеш қишлоқ хўжалиги университетини битирган. АҚШнинг Иллинойс штати университетида илмий даража-лар қозонган.

Италияликлар кетишмоқчи

Италия тез орада кўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетади. Мамлакат бош вазири Силвио Берлускони шу ҳақда маълум қилди. Шунингдек, у мамлакат кўшинлари-



нинг Афғонистонда қолиш-қолмаслигига доир ҳар қандай қарор иттифоқчилар билан келишилганидан сўнг қабул қилинишини айтди.

Эслатиб ўтамиз, яқинда Афғонистон пойтахтида бўлган кўпоровчилик ҳаракати сабаб Италия қўшини олти аскардан айрилган, тўрт аскар ярадор бўлган эди.

Миср президентининг айтганлари



Миср президенти Хусни Муборак мамлакат телетармоғида нутқ сўзлади. У Ислом оламининг Фарб билан муносабатларида янги саҳифа очишга, мусулмонлар жамоасини ички ихтилофларга барҳам беришга чақирди. “Бугун мусулмонлар учун динимизнинг асл моҳиятини бутун инсониятга тўғри етказиш, самимий тушунтириш, бизга тақалган ноҳақ “қолоқ”, “кўпоровчи” тамғаларидан халос бўлиш ҳар қанчонгидан кўра кўпроқ муҳим ва долзарбдир”, деди Миср президенти.

Хусни Муборак АҚШ президенти Барак Обаманинг Қоҳира университети талабалари билан учрашувида айтган сўзларини эслаб: “Бу нутқ АҚШ ва бутун Фарбнинг мусулмонлар билан муносабатларида янги босқични бошлаб бериши мумкин”, деди.

Хусни Муборак ҳозирги босқичда Ислом олами учун ҳал қилувчи асосий масала Яқин Шарқда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик ўрнатилишига эришиш эканини таъкидлади.

Бокуда анжуман бўлади



килотчиларидир.

Ташкилотчилар вакили айтишича, анжуманда асосан “Боқунинг моддий ва маънавий маданиятида Ислом омили”, “Ислом оламида Боқунинг ўрни ва хизматлари”, “Фарб ва Шарқ олимлари Озарбойжон ҳақида”, “Озарбойжон олимлари Ислом ҳақида” каби мавзулар муҳокама этилади.

Миср президенти Хусни Муборак мамлакат телетармоғида нутқ сўзлади. У Ислом оламининг Фарб билан муносабатларида янги саҳифа очишга, мусулмонлар жамоасини

ички ихтилофларга барҳам беришга чақирди. “Бугун мусулмонлар учун динимизнинг асл моҳиятини бутун инсониятга тўғри етказиш, самимий тушунтириш, бизга тақалган ноҳақ “қолоқ”, “кўпоровчи” тамғаларидан халос бўлиш ҳар қанчонгидан кўра кўпроқ муҳим ва долзарбдир”, деди Миср президенти.

Хусни Муборак АҚШ президенти Барак Обаманинг Қоҳира университети талабалари билан учрашувида айтган сўзларини эслаб: “Бу нутқ АҚШ ва бутун Фарбнинг мусулмонлар билан муносабатларида янги босқични бошлаб бериши мумкин”, деди.

Хусни Муборак ҳозирги босқичда Ислом олами учун ҳал қилувчи асосий масала Яқин Шарқда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик ўрнатилишига эришиш эканини таъкидлади.

Шу йил 2–5 ноябр кунлари Озарбойжонда “Боку – Ислом маданияти пойтахти” мавзуида халқаро анжуман ўтказилади. Озарбойжон Республикаси маданият ва сайёҳлик вазирлиги билан Озарбойжон тарихи миллий музейи анжуман таш-

Қиримда хаттотлик санъати

Симферопол шаҳридаги республика қиримтатар санъати музейида “Гўзал хаттотлик санъати” кўрғазмаси очилди. Кўрғазмада Қирим хаттотлари маҳоратини кўз-кўз этувчи асарлар намойиш қилиняпти.

Кўрғазманинг биринчи бўлимидан XIX–XX асрларда яшаган хаттотларнинг ишларидан нусхалар ўрин олган. Музей илмий ходимаси Зера Усмонова айтишича, ўша даврнинг энг моҳир хат битувчиларидан Маҳмед Назир афанди ва Ҳалим Ўзезижий Қиримда туғилган хаттотлардир. Кўрғазмага қўйилган кўпчилик асарлар Қуръони карим оятларидан, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳадисларидан ўта нозик дид билан кўчирилган.

“Ушбу кўрғазма Қиримда хаттотлик санъатини қайта тиклаш йўлидаги илк қадамдир”, деди Зера Усмонова.



Жаҳонда энг новча одам


17 сентябр куни Туркия фуқароси Султон Косан жаҳонда энг новча одам деб тан олинди. 27 ёшли Султоннинг бўйи ҳозир 2 метр 47 сантиметр. Энди “Гиннеснинг рекордлар китоби” 2010 йилги нашрига бу ҳақдаи ёзув киритилади.

Бу борада собиқ рекордчи украиналик Леонид Старникнинг бўйи 2 метр 57 сантиметр эди. Аммо у бўйини қайта ўлчатишдан, демак, унга тегишли биринчиликдан ҳам воз кечди.



Ўн уч ёшли профессор

Эндигина 13 ёшга тўлган нанотехнология профессори Ҳаёт Синдий ихтирочиликда юксак натижаларга эришмоқда. Гарвард университетининг машҳур “Whitesides” тадқиқот гуруҳида ишлаган Ҳаёт Синдий саратонни энг биринчи босқичдаёқ ташхислаш, турли касалликларни даво-



лашда энг зарур дори-дармонларни аниқлаш имконини берувчи усқунани ихтиро қилди.

Хаёт Синдий бир неча бор ғарб ширкатлари раҳбарларининг таклифларини рад этди. Чунки у Саудия Арабистони халқига кўпроқ хизмат қилиш, келажакда халқаро биотехнология марказини очиш ниятида.

Жиноятчилар қўлга олинди



АҚШда инсон ички аъзолари савдоси билан шуғулланувчи жиноятчилар гуруҳи қўлга олинди. Уларнинг гуруҳ бошлиғи Леви Розенбаум бўлиб чиқди.

Интерпол ўтказган терговлар жараёнида жиноятчиларнинг “ўлжалар”ини Жазоир жанубидаги шаҳарлардан ўғирлашлари, сўнг Мороккога ўтишлари, жарроҳлар ёрдамида олинган ички аъзоларнинг ҳар бирини АҚШ ва Исроилда 20 дан 80 минг долларгача нархлаб сотишлари аниқланди.

Жазоир санитария ва тергов масалалари бўйича кўмита раиси Мустафо Ҳиётий айтишича, бу гуруҳнинг қўлга олиниши жиноятчилар тугатилди дегани эмас. Улар ҳамон араб мамлакатлари худудида қора ниятларини амалга оширишяпти.

Тиланчиликни тақиқловчи фатво



Индонезия уламолари мажлиси (ИУМ) мамлакат мустақилликка эришганидан буён илк бор пойтахт Жакарта шаҳри кўчаларида тиланчилик қилишни ноқонуний ҳаракат сифатида тақиқловчи фатво чиқарди. Жакарта кўчаларида камбағалларнинг пайдо бўлиши мавсумий ҳодисадир. Бу ҳолат, айниқса, рамазон ойида яққол кўзга ташланади.

Бу йил рамазон киришидан икки ҳафта олдин ҳам ҳуқуқ-тартиб ходимлари шаҳарга бир ярим мингдан ортиқ тиланчи келганини аниқлашган. Улар асосан аёллар ва болалардир.

Кўпчилик мусулмон олимлар тиланчилик дангасаликдан пайдо бўлишини, ўз навбатида инсонни ялқовликка буткул кўниктириб қўйишини таъкидлашади. Индонезия уламолари мажлиси раиси жаноб Омидон айтишича, мазкур фатво фойда кўриш мақсадида мусулмонларнинг са-

ховат туйғусини суистеъмол қилувчиларга қарши чиқарилган. Аммо айрим олимлар, муборак ойда бошқаларга ёрдам берилишини чеклаб қўйиш яхши эмас, дейишмоқда. Фатво тарафдорлари эса айрим жиноятчи гуруҳлар тиланчиларни ишга солиб, бойиб қолишаётганини таъкидлашяпти.

Оммавий ахборот воситалари ёзишича, “мавсумий тиланчилар” кўпроқ шимолий Явадан ва Тегал шаҳридан келишади. Улар ватанларида қашшоқ яшашмайди, катта-катта уй-жойлари бор, таъминотлари ҳам яхши.

“Рамазонда баъзи тиланчилар ҳафтасига аксарият хизматчи ходимлардан кўпроқ пул ишлаб олишади”, дейди ИУМ раиси жаноб Омидон.

Обаманинг янги қарори

АҚШ Шарқий Оврупада миллий ҳимоя тизими барпо этиш – Полша худудида ўнта ракетага қарши қурол, Чехияда эса радарлар ўрнатиш ниятидан қайтди. Мамлакат президенти Барак Обама бу ҳақда телефон орқали Чехия бош вазири Ян Фишерни хабардор қилди, сўнг эса Вашингтонда ушбу масала юзасидан махсус баёнот берди.



Қароқчилар ортида ким бор?

Сомали соҳилларида кемаларни талон-тарож қилаётган, гаровга олаётган қароқчилар махсус тайёргарликдан ўтишаётгани, бундай зўравонликка атай ўргатилаётгани маълум бўлди.

Энг қизиғи, қароқчилар ўқ отиш қуролларидан фойдаланиш, кемаларни ўраб олиб, мажбуран керакли жойга суздириб боришни кемалар ҳимояси зиммасига юклатилган фирма ва ширкатларнинг мутахассисларидан ўрганишаётган экан.

Мустақил тадқиқот олиб борган “Ал-Жазира” мухбири қароқчилар гаровга олган битта кемани асирликдан қутқариш “бизнеси”да айрим ғарб ширкатлари ярим миллион долларгача “фойда” кўраётганини аниқлади.



БОҶИЙ ДЎСТЛИК ҲИММАТИ

Буюк олмон адиби Йохан Волфҳанг Ҳётенинг (1749-1832) “Фауст”, “Ёш Вертернинг изтироблари”, “Эгмонт”, “Ғарб ва Шарқ девони” каби асарлари инсоният маънавий оламинини бойитишига хизмат қилапти.

Ҳёте Шарқ халқлари тарихи, адабиёти, урф-одатлари билан жуда ёшлигида-ноқ қизиққани маълум. Мутахассислар фикрича, у Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни, шунингдек, қатор алломалар ижодини яхши ўрганган.

Ҳёте 1772 йили Қуръони карим маъноларини Д. Мегерлин таржимасида ўқийди. Кейинчалик ўзи ҳам Анъом сураси маъноларини лотинчадан немис тилига таржима қилади.

“Ғарб ва Шарқ девони”га кирган шеърларда Ҳёте чўпонларга ҳамроҳ бўлиб, чўлу сахро кезади, карвон билан сафар қилади, Ҳофиз Шерозий байтларини куйлайди.

Мен арабча имлода “Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим”, “Аллоҳ”, “Муҳаммадур Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)” сўзларини, шунингдек, “Ан-Нос” сурасининг тўлиқ арабча матнини Ҳёте дастхатида кўриб ҳайратландим. Бу қўлёмалар шоирнинг Ваймар шаҳридаги уй-музейида сақланмоқда.

Куйида буюк шоирнинг “Ғарб ва Шарқ девони”дан бир шеърини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Таржимон

Йохан ВОЛФҲАНГ ҲЁТЕ

Ижозат

Хур:

Сен бамисли жаннатмакон?
Киришинг гумон ҳали.
Жаннатга мен ўзим посбон
Кўринишинг шубҳали.

Муслиммисан, сийратингни
Аён эт, ҳаққа ошиқ.
Курашингми, хизматингми
Беҳиштга эмиш лойиқ?



Агар бўлсанг қахрамон,
Қаерингда жароҳат?
Айтгил, недан шуҳрату шон?
Жаннатга сўнг ижозат.

Шоир:

Такаллуфсиз гаплар дединг,
Бенафдур йўлим тўсмак.
Мен ҳақиқий Инсон эдим
Курашувчи — бу демак.

Кўксимга боқ, не учун қон,
Унда ненинг изи бор?
Ҳаёт макри, севги-ҳижрон,
Уни этмиш ярадор.

Куйлатганди этиб бовар
Муҳаббатнинг қудрати.

Гарчи дунё ўтиб кетар,
Боқий дўстлик ҳиммати.

Чақнаб турдим гоҳ яшиндай
Жўр бўлиб оқилларга.
Токи севги оташидай
Кирсин номим дилларга.

Йиғиштиру итобингни
Кирит, топай бериб тан,
Абадийлик ҳисобини
Момиқ бармоқларингдан.

Олмон тилидан
Садриддин Салим
БУХОРИЙ
таржимаси



Ҳазрати Хадичанинг (Аллоҳ рози бўлсин) кўзи ёриди. Файзли оилада қиз фарзанд дунёга келди. Она гўдагига чексиз меҳр ва... ўкинч билан термулди. У зот эса яхши хабарни эшитибоқ Хадичанинг ёнига шошдилар. Қизалоқни севинч билан кучоқларига олиб, бағриларига босдилар. Аёлларига миннатдор боқиб:

— Қизимнинг исми Зайнаб бўлсин! — дедилар.

У (қиз)ни камситган ҳолда олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа қориш (тўғрисида ўй суриб), ўзига хушxabар берилган нарсанинг “ёмон”лигидан (орият қилиб,) одамлардан яшириниб олур. Огоҳ бўлингларким, уларнинг бу ҳужмлари яроқсиздир” (Наҳл, 58-59).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларида марҳамат қиладилар: “Аллоҳ таолодан хайрли бо-

экан? Олтита?! Шунча қизнинг ўрнига битта ўғил туғиб олмай-дими, ёнбошида суянчиғи бўларди...” “Келинимга айтдим, болам шу тўртта қиз билан ўтиб кетаверадим, дедим. Рост-да, ўғил туғмаган аёл аёлми?!” “Одам дунёга бир марта келади, ҳамма ҳам орзу-ҳавас кўришни истайди...”

Ҳа, кўпчилигимиз пуч орзу-ҳаваслар ордидан чопиб, овора-

ҚИЗЛИ БЎЛДИНГИЗ... ЎКСИНАСИЗМИ?



“Зайнаб”, яъни, отасининг зийнати...

Бу ҳодиса қиз фарзандлар камситилишига қўйилган қатъий нуқта эди. Жоҳилият даврида одамларнинг маломатидан кўрқиб, қизларни гўдак чоғида тириклай кўмишдек жирканч одат бўлган. Ҳатто Ҳазрати Умардек зот (розийаллоҳу анҳу) исломгача бўлган даврда қизчасини тириклай кўмганлар кейинчалик шу аянчли ишларини эслаб, йиғлар, кўзёшларидан соқоллари ҳам ҳўл бўлиб кетар эди. Чуқур ковлаётганларида жажжи қўлчалари билан соқолларини тупроқдан тозалаб турган қизчаларини сира унутолмасдилар.

Ислом дини бу жирканч одатни тугатди. Аёлларни камситишга, уларга буюмдек қарашга, қиз кўришни айб санашга чек қўйди:

“Қайси бирларига қиз (кўрганни ҳақида) хушxabар берилса, назари келиб, юзлари қорайиб кетар.

лалар ато этишини сўрадим, менга қиз фарзандлар эҳсон этди” (“Ширъа”); “Қиз фарзандларининг хор кўрманглар, мен қизларнинг отасиман” (“Мифтоҳул жинон”); “Бозордан янги мева сотиб олиб, уйига келтирган киши садақа қилиш савобини олади. Олиб келинган мевани аввал қизларига берсин! Аёли, қизларини севинтирган одамнинг савоби Аллоҳ таолодан кўрқиб йиғлаганининг савоби кабилар. Аллоҳдан кўрқиб йиғлаган кишининг танаси жаҳаннамга ҳаромдир” (Ибн Адий).

Қиз фарзандларга қандай муносабатда бўлиш кераклигини билиш учун мазкур башоратлар кифоя.

Афсус, баъзида жоҳилият даврини эслатувчи совуқ гапларни ҳам эшитиб қоламиз. Эркаклар-ку, оналик дардини, меҳрини аёлларчалик ҳис қилишмас. Бундай гапларни она бўлиш оғирликларини бошидан ўтказган, ўғилми-қизми, фарзанд нақадар ширин, азиз бўлишини билган кайвони хотинлардан эшитиш қандай ачинарли:

“Ўзи шу келинни бошидан жиним суймаган. Агар яхши бўлса, биринчи боласи қиз туғилармиди?” “Фалончининг келини учинчисини ҳам қиз туғибди. Ҳамманинг кўнглини оғритаверганидан кейин, шундай бўлади-да!” “Нечта қизи бор



миз. Ахир шу орзу-ҳаваслар бизни гуноҳларга, хатоларга етакламаяптими?

Фарзанд инсонга ато этилган энг улугъ неъмат. Уларнинг бирини бошқасидан устун қўйиш, неъматни қадрламаслик, шукрсизликдир. Тирноққа зор ўтганлар қанча, биргина фарзанд тилаб яшаётганлар қанча? Бандаси учун яхшилик кимда ёки нимада эканини фақат Аллоҳ таоло билади.

Шундай экан, фарзандларингиз қиз бўлса, асло ўксинманг. Чиройли тарбиялаб, тенгига узатиб, кейин ҳам яхшилик қилишда давом этсангиз, Меҳрибон Аллоҳ уларни сиз билан жаҳаннам ўртасида тўсиқ қилади.

Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи



НОМУС ҚАЛЪАСИ

Турмуш ташвишлари баъзан одамни чарчатади. Гоҳо ёқимсиз гуп-сўзлар, кўнгилсиз воқеалардан толади киши. Шунда аёлининг меҳридан ҳаловат топиш, фарзандларини кўриб яйраш учун оила бағрига интилади.

“Унинг аломатларидан (яна бири) — сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир” (Рум, 21).

Бир-бирига бегона бўлган қиз билан йигит никоҳ ақди билан бирлашгач, ўрталарида меҳр-муҳаббат ва садоқат пайдо бўлади. Оила масъулиятини елкаларига олишади.

Никоҳ Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатлари, эр-хотиннинг шараф, одоб, номус ва иффатининг қалъасидир.

Динимизда аёл-қизлар ҳақ-ҳуқуқлари асралишига алоҳида эътибор берилган. Қиз болалигида отасининг ёки акаси ё амасиси ё тоғасининг, аёл сифатида эрининг, она сифатида фарзандларининг ҳимоя ва таъ-

минотида бўлиши белгилаб қўйилган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан олдин хайрлашув хутбаларида бундай деганлар:

“Эй инсонлар! Аёлларнинг ҳақларига риоя этинг. Уларга шафқат билан муомала қилинг. Уларнинг ҳаққи борасида Аллоҳдан кўрқинг! Аёлларингизни Аллоҳнинг омонати улароқ олдингиз, уларнинг номус ва иффатларини сақлашга Аллоҳга сўз бергансиз!” (Имом Бухорий).

Никоҳ ўқиётганида йигит ҳам, қиз ҳам бир-бирларининг ҳақларига риоя этишга сўз беришади. Аммо баъзилар ўз вазифаларини бажаришмайди. Натижада оилада мувозанат йўқолади, меҳр билан боғланган никоҳ иплари қаҳр билан узилиб кетади.

Оиламиз тинчлиги, осойишталиги ўзимизга боғлиқ. Меҳрда, иноқликда, сабрда гап кўп. Келишмовчиликлар, тушунмовчиликлар ҳар бир оилада бўлиб туради. Арзимаган нарсалар устида талашиб-тортишавермайлик. Аёлнинг итоатсизлиги, сабрсизлиги, бетгачопарлиги кўпинча оила бузилишига сабаб бўлади. Бошга бало тилдан келар, деб бежиз айтишмаган.

Ҳадиси шарифда: “Кишининг гўзаллиги унинг тилидан билинади”, дейилган (*Ҳоким ривояти*). Аёлининг чиройли муомаласи эрнинг салобатини оширади. Тилимизга эрк беравериб яқинларимиз кўнглини оғритмайлик, орадан меҳр-муҳаббат кўтарилишига йўл қўймайлик. Ёшларга оила одобидан мунтазам сабоқ бериб борайлик.

Сарвинисо КАМОЛОВА

Зайтун қуёш, денгиз шамоли ва ерости сувлари таъсирида ўсади ва минг дардга даво ҳисобланади. Зайтун мойи барча учун бирдек фойдали. У инсон танасида моддалар алмашинувини яхшилайти, А, D, E, K каби витаминларга бой. Ичак фаолиятини ўрта ҳолга келтиради, холестеринни камайтиради. Зайтун ёғи ичакни саратон касалликларидан асрайди. Сафрон ҳайдаш ва ични ювиш хусу-

Зайтун мойи

сиятига эга. Ич қотиши, ошқозон, жигар касалликлари, ўт пуфаги (холецистит) ёки ичак шамоллаши(колит)да тавсия этилади.

Зайтун мойи қариш жараёнини секинлаштиради. Хотира пасайишининг олдини олади. Аёлларнинг ҳомиладор бўлиши фойда беради.

Зайтун мойини суркаш лабни чиройли қилади, қовоққа сурилса, кўзни қувватлантиради.

Ошқозон оғриганида наҳорда ва ётиш олдидан бир ош қошиқ доғланган зайтун мойи ичиш тавсия этилади.

* * *

* Сутни қоронғи, салқин жойда сақланг, акс ҳолда дармондорилари камайиб кетади.

* Бир литр сутга бир чой қошиқ шакар кўшиб қайнатилса, тез ачимади.

* Нордон мевалар кекиришни тўхтатади.

* Ёнғоқ, бодом пўчоқларини ҳеч қачон ташлаб юборманг. Улар қайнатиб ичилса, йўталга фойдали.

* Олча, тоғолча, олхўри, гилос данакларини ҳам ташлаб юборманг. Уларни туйиб, қайнатиб ичилса, қабзиятни кетказди.

* Жигар учун хом карам, қатиқ, творог ва асал жуда фойдали.



Толибжон РЎЗИБОВ

Ошиқ аҳли барга ҳайронини сенинг

ҲУСАЙНИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Лаҳзае ёддан чиқармам
кўнглим олғонимни мен,
Қалбима ишқдин туганмас
ғавғо солғонимни мен,
Соғиниб сабрим тугангай
шўҳи хандонимни мен,
Оҳ, агар кўрсам яна ул
моҳи тобонимни мен,
Бергамен шукронаи васли
учун жонимни мен.

Ишқида кутгай мени
қай дард билдим йўлида,
Лек на дарду, на азобин
кўзга илдим йўлида,
Шул экан тақдир нетайким,
бағр тилдим йўлида,
Эй мусулмонлар, қуюнгим,
сарф қилдим йўлида
Зулфидин зуннор боғлаб,
дину имонимни мен.

Ҳажрида дилни тинимсиз
тигламоғдин оқибат,
Оҳ чекиб ҳар лаҳзада
инграмоғдин оқибат,
Бўлса қайда нолаву зор
тингламоғдин оқибат,
Эшикингда кечалар кўп
йиғламоғдин оқибат,
Ошкоро айладим бу
сирри пинҳонимни мен.

Дедим анга: борму раҳминг
ҳасратингда куйгамен,
Оқизиб кўздин ёшимни
элга кулгу бўлгамен,
Бир назар солсанг нетарким,
дардим айтиб тургамен,
Деди: охир бор муродимки,
сени ўлтургамен,
Гар сенинг ройинг будур,
қилдим биҳил жонимни мен.

Элга бўлгач ошкоро ишқи
пинҳонинг сенинг,
Ошиқ аҳли, эй Толиб,
барча ҳайронинг сенинг,
Раҳм этиб кўргач кўзингдин
ашки гирёнинг сенинг,
Неча дерсанки, Ҳусайний,
қолмади жонинг сенинг,
Эй насиҳатгў, нетай бу ёрсиз
жонимни мен.



ҒУРҚАТ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Ёд этиб ман хастани ҳам гул узорим хайрият,
Меҳрибоним, хуштакалум, ғамгусорим хайрият,
Нурга чулғаб зим-зиё рўзгорим хайрият,
Келди ҳолимни сўраб бул кун нигорим хайрият,
Етди ўхшар кеча чеккан оҳу зорим хайрият.

Ёрсиз дарди фироқдин заъфарон эрди юзум,
Гўёким етмиш эди фасли хазонрезлик кезум,
Тинмагай эрди бирор дам шашқатор ёшдин кўзум,
Лашкари ғам поймол этган эди айлаб ҳужум,
Ноғаҳон келди етиб ул шаҳсуворим хайрият.

Васлидин мен айро тушгач, ноғаҳон йиғлар эдим,
Тор улуб ул кун кўзумга кенг жаҳон йиғлар эдим,
Гоҳида ошкора эрса, гоҳ ниҳон йиғлар эдим,
Ул парирў ҳажрида ҳар лаҳза қон йиғлар эдим,
Вожгун етмиш жаҳонни ашқборим хайрият.

Васлига етгач, фаромуш дарди ҳижрон айлағум,
Бўсае лаълидин олгач, мумкин эрмас ўлмағум,
Даҳшате тарк этмагай лек, чун фироқин ўйлағум,
Жавр этиб солса қаро кунлар бошимга, найлағум,
Шодлик бирла ўтар лайлу наҳорим хайрият.

Ўтмагай бир лаҳза умрим қилмай хаёле саъдни,
Ҳар даме минг бора орзу этгум камоли саъдни,



Бахтиёрлик мен учун кўрмак жамоли саъдни,
Наҳси ҳижрондин чиқиб, топдим висоли саъдни,
Толеим ҳамдам бўлубтур, бахт ёрим хайрият.

Етди тўймай васлига дилдор ила вақти видо,
Чектим афғон мисли булбул гулзор ила вақти видо,
Этмайин бардош фироққа оҳ-зор ила вақти видо,
Қолди кўнглим ажрамай ул ёр ила вақти видо,
Келди қолмай яхши жони беқарорим хайрият.

Васли ёрми ёки жаннат, эй Толиб, имкон бериб,
Ол дейишса, танлагум мен ёр висолин жон бериб,
Тиргузур чун лаъли бўса бирла жонон жон бериб,
Келди яқбора саманди нозни жавлон бериб,
Қайда Фурқат зор деб чобуксуворим хайрият.



ЭРКИН ВОҲИДОВ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Кўҳна дунё шеvasи — бир ёнда сулҳ,
бир ён талаш,
Ҳусн элида жон талаш,
ишқ аҳли-чун пайкон талаш,
Тутма малҳам дард элига,
бўлмагай дармон талаш,
Жон билан дил ўртасила бўлди
ул жонон талаш,
Не ажаб, ўзбек уйида доимо
меҳмон талаш.

Шоҳ тутиб жонон ўзин,
дил бирла жонни қул билур,
Ғамзалар бирлан икисин
бағрини тинмай тилур,
Жону дил лашкар чекарлар,
довули жанг қоқилур,
Мулки дил жон хайли бирла
ёр талошини қилур,
Қай замон бўлмиш ики эл
ўртасида хон талаш.

Бошланиб кетгай талотум,
тийра бўлгай кенг жаҳон,
Мулки дил вайрона,
қолгай жон ҳам бехонумон,
Қолмайин майдон аро
сулҳу сафодин бир нишон,

Жону дил хунрезлик айлаб,
бўлди охир тилка жон,
Дил эса мажруҳ, анорнинг
донасидек қонталаш.

Жон дегай, жонон манимдир,
йўқ эса бўлгум адо,
Дил дегай, жононасиз
умримга айтгумдир видо,
Иккисин солган талошга
ёрдин чиқмас садо,
Жону дил қилди талошу
бунда келди минг бало,
Ўртада мен мубталою
зору саргардон талаш.

Бу талош шарҳини битсам,
волазор бўлгай замин,
Бу талош ашқини битсам,
жолазор бўлгай замин,
Бу талош дардини битсам,
нолазор бўлгай замин,
Бу талош васфини битсам,
лолазор бўлгай замин,
Сўзларим анжуми сиғмай
лавҳаи осмон талаш.

Жону дилнинг бу талоши,
билмадим, қандай битур,
Тилка жону зору мажруҳ дилни ёр,
билмам, нетур,
Қай бирига раҳм этур ҳам қай бирин
ул қатл этур,
Билмам, ул ой жону кўнгил
бирла қолгай ё кетур,
Ваҳки, қолмоқ бирла кетмоқ
ўртасида жон талаш.

Эй Толиб, сен ишқи йўққа
дарди ишқдин сўйлама,
Жону дил жононасида
ўзга ёрга бўйлама,
Кўйи гардин тўтиё қил,
ўзга ерда кўйлама,
Жон-ку бир парвонадир,
Эркин, уни ҳеч ўйлама,
Ишқ бозорида бўлсин сен битар
девон талаш.

Фарғона



Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

ТОАТ-ИБОДАТЛАРИМИЗ МАҒЗИ



“Дуо” сўзи арабча бўлиб, ўзбекчада “сўраш” маъносида қўлланади, атама сифатида эса, кишининг барча ҳожатларини Яратган Зотдан сўрашидир.

Нималар сўралади?

Албатта, сўрашни асло чеклаб бўлмайди, ҳар ким хоҳлаган нарсасини, хоҳлаган замонида, хоҳлаган миқдорда сўрашга ҳақли. Ҳақлигина эмас, балки сўрашга буюрилгандир. Бир илоҳий ҳадисда Аллоҳ таоло: “Эй Одам болалари, Мен Берувчиман, нима бўлса ҳам Мендан сўранглар”, деб Ўзи йўл-йўриқ кўрсатяпти, туну кун ёрдамини ваъда қиляпти. Саҳобалардан бирлари (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин): “Уйимда туз қолмаса, шуни ҳам Аллоҳдан сўрайман”, деган маънода сўзлаганлари ҳақида хабарлар бор.

“Барча ҳожатлар”га нималар киришини олимларимиз тушунтириб беришган. Киши ўзи ҳосил қилишга кучи етадиган нарсаларни, ўзи бажара оладиган ишларни сўрамагани яхши, ўзи ҳосил қилишга кучи етмайдиган нарсаларни, бажариш қўлидан келмайдиган ишларни сўрасин, дейишган улар.

Дейлик, уйимизга меҳмон келиб қолди. “Эй Аллоҳ, битта чой қайнатиб бергин” ё “Овқат қилиб бер”, деб сўрамаймиз, чунки бу ишни ўзимиз ҳеч бир қийинчиликсиз бажара оламиз — иссиққина ўрнимиздан турамузу чойнакка сув қуйиб газга қўямиз ёки сабзи-пиёзни арчиб овқатни бошлаб юборамиз. Бу ўринда Аллоҳдан бизнинг сўрайдиганимиз Унинг иноятидир. Бизни ўрнимиздан туришга, чойнакни ушлашга, сабзи-пиёзни арчишга лаёқатли қилишини сўраймиз. Ахир,

ўрнимиздан тура олмасак, қўл-оёқларимиз иш-ламаса, нима қила олардик?! Яъни, озгина ҳаракатимиз билан осонгина ҳосил бўладиган натижани эмас, балки ўша натижага эришишга етарли куч-ғайрат ва биз иш-ҳаракат билан ҳам ҳосил қила олмайдиган натижани — насибани сўраймиз. Масалан, ризққа муҳтож бир инсон: “Парвардигорим, кўринмас хазинангдан менга ҳалол, мўл ва баракали ризқ бер ва бу ризқни бизларга насиб эт!” деб сўраши ва туриб бу йўлдаги ҳаракатни бошлаши айни ҳикмат тақозосидир.

Иккинчи бир мисол: толнинг қуюқ соясида ёнбошлаб олиб, “Қанийди, анави сув бўйида бир кўшким бўлса!” деб орзу қилсак унча зарари йўқ, аммо “Сенинг қудратинг чексиз, Сен қила олмайдиган иш йўқ, шу ерга битта уй қуриб бер!” деб сўрашимиз ақлдан эмас, чунки буниси моддий ҳолатимизга ва ҳаракатимизга боғлиқ — қўлга битта болға билан тўртга қозикни оламиз-да, режа тортиб ишни бошлаймиз. Лекин у моддий ҳолатга етиштириш ва битта болға билан тўртга қозикни кўтара оладиган қилиш Аллоҳнинг измидадир.

Чиндан ҳам Унинг қудрати чексиз, чиндан ҳам У қила олмайдиган ҳеч бир иш йўқ. Бу ерда гап дуонинг ижобати сўровчининг ҳаракатига, яъни, сабабга боғлангани устида кетяпти.

Бу олам сабаблар оламидир. Натижалар сабабларга боғланган. Қуёш чиқса, кун исийди. Ер ўз ўқи атрофида айланса, кун алмашади, қуёш атрофида айланса, фасллар алмашади. Ой чиқса, тун ёришади. Шамол келса, дарахтларнинг учи қимирлайди. Ерга уруғ қадасак, ўсимлик униб чиқади. Ўғит солсак, ер унумли бўлади... ва ҳоказо. Юзаки қаралса, бу ишлар гўё ўзидан-ўзи содир бўлаётгандек. Аслида, сайёраларни ўз ўқлари атрофида ҳам, бир-бирлари атрофида ҳам айланадиган қилиб қўйган, шамолларнинг елкасига булутларни ортиб керакли жойларга ёғинларни етказиб турган, ерга қадаладиган уруққа бўлғуси дарахтнинг барча хусусиятларини жойлаб қўйган бир Зот бор, ҳаммасини У бошқариб-юрғизиб турибди. Шунинг учун “Ёмғир бер!” деб Ундан сўраймиз, ерга уруғни экиб, ризқни Ундан умид қиламиз.

Худди шунингдек, дуоларимизнинг натижа-





лари ҳам сабабларга боғланган. Табибга ўзимиз борамиз, дори-дармонни ўзимиз оламиз ва муолажани табиб ёрдамида ўзимиз қиламиз, аммо соғлиқни Аллоҳдан сўраймиз, чунки шифони У беради! Яратган Эгамизнинг инояти билан чойни ўзимиз қайнатамиз, қозон тагига ўтти ўзимиз ёқамиз, капгир бизнинг қўлимизда бўлади, бор нарсаларни қозонга солиб овқат пишириш бизнинг вазифамиз, лекин насибани Аллоҳдан кутамиз, чунки пишираётган шу овқатимиз ўзимизга насиб этмаслиги ҳам мумкин...

Машҳур бир латифа бор. Қозондаги овқатнинг тотли ҳиди Хўжа Насриддиннинг димоғини қитиқлаб, иштаҳасини очиб: “Бугун бир маза қиларканмиз-да!” деб юборибди. Хотини: “Худо хоҳласа, денг”, деса, “Хоҳласаям, хоҳламасаям ейман!” деб катта кетибди. Иттифоқо, овқат сузилар паллада эшик тақиллабди. Подшоҳ навқарлари бир жиний ишда гумон билан Насриддин афандини маҳкамага сурғалаб кетишибди. То масала ойдинлашиб, айбсизлиги исботлангунича орадан бир-икки кун ўтибди. Ниҳоят қўйиб юборишганида кечки пайт келиб эшигини тақиллатибди. Ичкаридан чиққан “Ким?” деган товушга афандимиз: “Худо хоҳласа, эрингман...” деб жавоб қилган экан.

Худди шунингдек, касал бўлсак, минг даволатмайлик, энг ноёб ва кучли дори-дармонларни қўлламайлик, шифони агар Аллоҳ бермаса, фойда бўлмаслигига ҳаётда мисоллар кўп. Ёки, аксинча, умридан бор бўлса, дорисиз ҳам яшайди - йигирма йил тўшакка миҳланиб ётган киши соғайиб кетганини эшитганмиз.

Бу айтилганлар сабабларни ўринлатишнинг ўзигина натижага эриштиравермаслигига мисоллардир. Ҳар ишни ҳикмат билан қилувчи Зотнинг хоҳиш-иродаси ва ҳикматига уйғун бўлса, биз истаган ва кутган натижа берилади.

Сўраш муҳтожликни билдиради

Сўраш, исташ туйғуси Одам яратилишида фитратига жойланган, бу ҳолат унинг муҳтожлигига далолат. Агар Одам боласи ана ўша фитратига уйғун тарзда яшаса, дуо унинг кундалик амалиётига айланади. Бордию тан олмаган тақдирида ҳам барибир У Зотнинг бошқарув доирасидан чиқиб кета олмайди, буни у ниҳоятда оғир аҳволга тушган кезлари ичдан сезади. Ичдан сездирган шу нарса унинг фитратидир. Ҳатто осий киши ҳам қўлидан ҳеч бир иш келмай қолган дамларда ўзига “ишончи” синиб, бир Кучли, Билимли, Меҳрибон Зот борлигини фитрий ҳис эта бошлайди, айрим ҳолларда ўша ўзи тан олмаган Зотта суянгиси келиб қолади. Дўппи тор

келганида қўллаб юборадиган, йўлсизликда чиқар бир сўқмоқни кўрсатиб қўядиган, буткул чорасизликда қутилмаган ёқдан қутулиш йўллайдиган Зот борлигини фитрий ҳис этгани учун ҳам Одам боласи хотиржамдир.

Диққат қилайлик: сўраш туйғусининг борлиги берадиган бир Зот бор бўлишини тақозо этади ва сўралаётган нарсани у Зот беришига далолат қилади! Форсларда мақол бўлиб кетган бир гап бор, унинг ўзбекча маъноси бундай: “Бермакни истамаса эди, истамакни бермас эди”. Нақадар қисқа, лўнда ва гўзал ифода! Демак, Одам боласига сўраш-исташ туйғусини берибдими, бу иши Унинг беришни истаганидандир. У зотнинг чексиз меҳрибонлигидандир. Бандаларини суйишидандир. Ва исташ туйғуси одамни Яратганига боғлайди.

Сўрашнинг турлари

Ўтган улуғларимиз сўраш (дуо)ни уч турга ажратишган экан:

1. Сўз билан сўраш (қавлий дуо).
2. Иш-ҳаракат билан сўраш (фёлий дуо).
3. Ҳол билан сўраш (ҳолий дуо).

Сўз билан сўраш (*қавлий дуо*) турини ҳамма билади, ҳатто кўплар дуо-сўраш деганда кўпроқ мана шу дуо турини тушунади. Киши намоз ўқиганидан кейин ё бирор яхшилик қилгач ёхуд ёрдамга қаттиқ муҳтож бўлиб қолган ҳар қандай ҳолатида қўлини очиб, эҳтиёжни илтижо оҳангидаги сўзлар билан ифодалаб, Яратганга “...бер!”;



“...насиб эт!”; “...осон қил!” ва ҳоказо тарзда ёл-вориши сўз билан сўрашдир.

Сўрашнинг кейинги икки тури, бир қараганда, дуога ўхшамайди, аммо аслида дуонинг энг кўп тарқалган, бутун инсоният доим фитрий тарзда қиладиган тури шулардир. Масалан, бир киши даласида эртадан-кечгача терлаб-пишиб кетмон чопди, уруғ экди; эккани тўкис униб чиқса, мўлкўл ҳосил берса, шу билан оиласининг тирикчилигини ўтказмоқчи. Бу ишларни қиларкан, Берувчи Зотдан тили билан нарса сўрамаган бўлса ҳам, унинг ризқ учун тиришиб қилган ўша меҳнати меҳрибон Зот ҳузурига дуо ўлароқ боради ва У Зот бу меҳнатлар ва тиришишларни зое этмайди — бола-чақасининг ризқини беради...

Бир талаба илм йўлида тиним билмай китоб ўқийди, устозларидан дарс олади, интернетдан ўзини қизиқтирган соҳа бўйича энг янги маълумотларни қидиради, ёзади, умумлаштиради, хулосалар чиқаради, балки бу ҳаракатлари орасида у ниятини сўз билан ифодалаб: “Илм бер!” деб сўрамагандир, лекин меҳрибон Зот унинг шу тиришқоқлигига яраша истаганини беради. Мана шу хил сўрашлар иш-ҳаракат билан сўраш (*фезлий дуо*)га киради.

Энди, бир киши оғир касалликка чалинган, ҳеч қайси дори фойда бермаяпти, қаттиқ изтиробга тушган — чора излаяпти... бошқа бири бозори синиб катта қарзга ботган, бу кетишда қарзидан қутулишга кўзи ҳам, умри ҳам етмайди, боши қотган — чора излаяпти... яна бир киши ҳаётнинг турли-туман синовларига дош беролмайдиган даражага етгач, назарида бошқача қутулар йўл йўқдек — чора излаяпти... ва ҳоказо. Уларнинг бу тушкун ҳолатлари ва хаёлан қаттиқ берилиб чора истаб қолишлари, гарчи ўзлари эсларига келиб тил билан сўрамаётган бўлсаларда, ҳол билан сўраш (*ҳолий дуо*)га киради ва меҳрибон Зот уларнинг бу хил сўровларини ҳам умидсиз қолдирмайди, қабул этади ва ҳикмати-га уйғунини албатта беради.

Ҳол билан сўрашга ҳаётий бир мисол. Саккиз йил (ми, ўн бир йилми) турмуш қилиб фарзанд кўрмаган аёлга янги туғилган бир чақалоқни боқиб олишни маслаҳат беришади. Шарт — бола очқаб йиғласа, туғмас хотин кўкрагини тутавериши, бошқа нарса бермаслиги керак. Эр-хотин умид билан яқин қариндошлардан бирининг чақалоғини олишади. Бувак йиғлайверади, хотин сутсиз кўкрагини тутаверади... Гўдакнинг овқат сўраб қилган бу ҳолий дуолари билан туғмас хотиннинг кўкрагига сут сўраб қилган бу ҳолий дуолари сабабли, шу бир паллада, аёлнинг кўкрагига тирқираб сут келади. Бувак ҳалокатдан қутулиб қолади, аёл шу кундан бошлаб асранди ча-

қалоғини ўз боласидай эмизиб катта қилади, бир йилдан кейин ўзи ҳам юкли бўлади...

Бу айтилганлардан бир хулоса чиқади: гарчи одам боласи ўзи учун, ўзининг тўкин-сочин яшаши учун, бировларга билдирмай, тиришаётган бўлса-да, ҳамма нарсани Кўрувчи Зот унинг бу йўлдаги интилишларини доимо кўриб туради; ҳаракатлари ва ҳолатлари дуо эканини ўзи билмаса-да, заррача хатти-ҳаракатни ҳам эътиборда тутувчи Зот ҳузурига улар айна дуо ўлароқ етиб боради; тил билан сўрамаса ҳам, ҳамма ҳолларни Билувчи Зот уларни диққат билан кузатиб туради; бу хил дуо билан сўраётиб, ҳатто Берувчи Зотнинг ўзини эсидан чиқариб қўйса ҳам, У Зот уларнинг эҳтиёжларини таъминлаб туради. Яъни, У муҳтожлик даражамизда, лойиқ кўрган миқдорида, сўраганимизни ёки сўраганимиздан яхшисини беради.

Иш-ҳаракат билан сўраш ичида *ҳол* билан сўраш ҳам бор, бу иккиси кўпинча қоришиқ келади. Талабанинг китоб ўқиши ҳаракатга кирса, китоб ўқиётганидаги тиришиши унинг ҳолатидир ва бу ўринда икки хил дуо бир жойда тўпланган бўлади, бунда сўраш истаги янада кучаяди, ижобат эҳтимоли ҳам ортади.

Шу маънода, бир пайтнинг ўзида бу уч хил дуо билан сўралса, нур устига нур бўлар эди. Меҳнат қилиб сабабларни ўринлатсак, меҳнатни чин юракдан қилсак ва буларнинг устига эҳтиёжларимизни сўз билан ифодалаб ихлос-ла сўрасак, У сўраганларимизнинг устига яна савоблар ҳам қўшиб беради ва бу дунёда берганларига қиёслаб бўлмас даражадаги олий неъматларини охиратимизга ҳам асраб қўяди! Чинакам мўмин тирикчилик йўлида меҳнат қилаётганида ҳам, оғир ҳолатларга тушиб қолганида ҳам, хурсандчилик дамларида ҳам Яратган Эгасини зинҳор унутмайди, шукрини, дуосини тилидан қўймайди, яхши ва эзгу амаллар қилишдан чарчамайди.

(Давоми келгуси сонда)



МИНГ ЙИЛЛИК ҚЎЛЁЗМАЛАР

Қадимий қўлёзмалар олис тарих ва жамиятнинг тараққиёт босқичлари ҳақида маълумот берувчи бебаҳо манбалардир. Улар орасида кўчирилганига минг йил ва ундан кўпроқ бўлганлари ҳам бор.

2006 йили Қоҳирадаги Искандария кутубхонаси бўлим мудирини доктор Юсуф Зайдоннинг “Минг йиллик қўлёзмалар – яширин хазинадир” китоби чоп этилган эди. Қуйида шу китобдан айрим маълумотларни келтирамиз:

«Мазкур қўлёзмаларнинг бундай номланиши улар кўчирилган санага кўрайдир. Агар кўчирилган сана кўрсатилмаган бўлса, хатга қараб, хаттот ва у яшаган давр аниқланади. Ҳижрий 450 йили ва ундан илгари ёзилган қўлёзмалар минг йиллик асарлар сирасига киради. Бундай асарларнинг кўпи давримизгача етиб келган. Уларни аниқлашда қуйидаги ўлчовларга риоя қилинади:

- хаттот ҳижрий 450 йили ёки ундан олдин вафот этган бўлса;
- минг йил олдин яшаб ўтган бирор алома асарида хаттот ҳақида сўз борса;
- муаллиф муҳри ва хазинабоннинг муҳри қўйилган бўлса.

Минг йиллик қўлёзмаларнинг илмий-маърифий аҳамияти катта, уларда минг йиллик тарих, маданият ва илм мужассамдир. Айниқса, араб ёзуви ва унинг узоқ йиллар давомидаги босқичма-босқич ривожини яққол кўзга ташланади. Яна бир муҳим жиҳати, улар энг қадимий ёзма ёдгорликлар сирасига киради.

Минг йиллик қўлёзма китобларнинг сони 280 тага етади ва улар жаҳоннинг машҳур кутубхоналарида сақланади. Уларнинг 65 таси Туркияда. Энг қадимий қўлёзма Абул Умайсалнинг “Ал-Маъсур фил-луға” (“Тилда таъсири баланд”) бўлиб, у Валийуддин кутубхонасида сақланади. Унинг ҳар варағи куйида, сулс ва мағрибий хатларида битилган.

Нафис қўлёзмалардан яна бири “Ал-ҳужжа лил қироатис сабъа” (“Етти қироат



асосларига далил”) бўлиб, у Мурод Муллонинг мажмуаси таркибида келган ва мағрибий хатда кўчирилган, хаттоти Умар ибн Тоҳир ибн Ғалйун ан-Наҳвий ал-Мисрийдир.

Туркиядаги минг йиллик қўлёзмалардан яна қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: Сулейнинг “Ахбару Аби Таммом” (“Абу Таммом хабарлари”), Сайрофийнинг “Ахбарун наҳвий ал-Басрийийн” (“Басралик наҳв олимларининг хабарлари”), Қутайба Дайнурийнинг “Адабул котиб” (“Котибнинг одоби”), ан-Наҳҳоснинг “Эъробул Қуръон” (“Қуръоннинг эъроблари – ҳаракат аломатлари”), Ибн Баввобнинг “Бузуғул ҳилал” (“Ҳилолнинг чиқиши”), Берунийнинг “Таҳдийду ниҳаятил амакин ли тасҳиҳи масофатил масакин” (“Жойларни аниқлашда чегараларни белгилаш”), Киндийнинг “Ат-тарраффуқ фи кимяил атрийя ват тас-аъудот” (“Атир кимёси ва бугланувчи унсурларнинг бирикуви”), Абу Наср Форобийнинг “Девонул адаб” (“Адаб девони”), Баҳтарийнинг ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шоирлари Ҳассон ибн Собитнинг “Девон”лари, Абу Таммомнинг “Девонул ҳимоса” (“Завқ-шавқ девони”), Салама ибн Жандалнинг “Девон”и ва ҳоказо.

Мисрда ҳам бундай қўлёзмалардан 41 таси бор. Улар орасида энг қадимийи Имом Шо-

фиъийнинг ҳижрий 204 (мил. 819) йили кўчирилган “Ар-рисала” (“Мактуб”) асаридир. Бу хазинада яна қуйидаги қўлёзмалар сақланади: Ибн Заллофнинг “Ахбару Сибавайҳий ал-Мисрий” (“Мисрлик Сибавайҳнинг хабарлари”), Найсобурийнинг “Ихтилафул уламо” (“Уламолар ихтилофи”), Табарийнинг “Ихтилафул фуқаҳо” (“Фуқаҳолар ихтилофи”), Имом Муслимнинг “Жомеъус саҳиҳ” (“Саҳиҳ тўплам”), Жихознинг “Ал-ҳосид вал маҳсуд” (“Ҳасадчи ва ҳасад қилинган нарса”), Қосим ибн Салломнинг “Ғарибул ҳадис” (“Ҳадиснинг ғариблиги”) асарлари.

Минг йиллик қўлёзмаларнинг 30 таси Сурияда сақланади. Насайининг “Ал-амвол” (“Мол-мулклар”), Имом Бухорийнинг “Тарихул кабир” (“Катта тарих”), Насайининг “Сунан” (“Ҳадислар”), Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг “Илалул ҳадис ва маърифатур рижал” (“Ҳадис иллатлари ва шахслар маърифати”), Имом Муслимнинг “Китабут тамйиз” (“Фарқлаш китоби”), Ибн Муборакнинг “Китабул ҳадисиш шариф” (“Ҳадиси шариф китоби”), Имом Муслимнинг “Ал-куня вал-асмо” (“Куня ва исмлар”), Имом Моликнинг “Муватто” (“Оммабоп”) асарлари шулар жумласидандир.

Англия қироллигида ҳам 30 та худди шундай “минг йиллик қўлёзмалар” мавжуд, улар орасида Имом Муслимнинг “Жомеъус саҳиҳ” (“Саҳиҳ тўплам”), Мутанаббийнинг “Девон”, Абу Довуднинг “Сунан” (“Ҳадислар”), Ибн Қутайба Дайнурийнинг “Ғарибул ҳадис” (“Ҳадиснинг ғариблиги”), Имом Моликнинг “Муватто” (“Оммабоп”) китоблари бор.



Эронда ҳам 16 та шундай асар сақланади. Ибн Синонинг “Китобуш шифо” (“Шифо китоби”), Розийнинг “Ал-мансур фит тиб” (“Тиббиётга ёрдамчи омиллар”), Хатиб Аскофийнинг “Мухтасар китабил айн” (“Китобул-айн мухтасари”) кабилар шулар жумласидан.

Бундан ташқари Франсияда 14 та, Ироқда 10 та, Испанияда 9 та, Олмонияда 7 та, Саудия Арабистони ва Шветсияда 6 тадан, Тунисда 5 та, Ҳолландияда 4 та, Россия Федератсияси ва Ҳиндистонда 2 тадан, Ливан, Италия, Булғористон, Ўзбекистон ва Яманда бир донадан шундай ноёб қўлёзмалар сақланади».

Муаллиф минг йиллик қўлёзмалар сақланаётган мамлакатлар сирасига Ўзбекистонни ҳам киритиб, юртимизда бир дона шундай қўлёзма борлигини айтади. Фикримизча, у Тошкентдаги Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган, ҳижозий ёзувда кўчирилган Ҳазрати Усмон Муҳафани назарда тутган. Аммо ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида яна шундай 2 та қўлёзма борлигидан беҳабар бўлган. Улардан бири милодий IX аср бошларида ҳижозий хатда кўчирилган Қуръони карим нухасидир. Иккинчиси эса, Қосим ибн Салломнинг милодий IX аср охирларида кўчирилган “Ғарибул ҳадис” асаридир. Демак, республикада ҳозир камида 3 та минг йиллик қўлёзма мавжуд.

*Имом Бухорий халқаро маркази
манбашунослик бўлими мудири
Фахриддин МУҲАММАДИЕВ
тайёрлади.*